В первую очередь наше внимание привлекают области Арианам Вейджа и Гава Сугда. Их география локализуется неоднозначно. Так, если при определении Гава Сугды большинство мнений сходится на ее отождествлении с Согдом, то Арианам Вейджа локализуется то в Причерноморье, то в Европе (от Рейна до Волги), но есть географически обоснованные локализации, включающие регион от Южного Приуралья до Приаралья¹⁰ (хотя против них выдвигаются и возражения). Конкретизация данного региона весьма важна, так как именно здесь, по преданию, был зажжен первый зороастрискый огонь. Нам представляется, что географический очерк не в последнюю очередь должен базироваться на экономической характеристике региона. В этом плане наиболее перспективным для Арианам Вейджа представляется регион от Нижнего Приуралья и Приаралья до северных границ Согда на юге и до Центрального Казахстана — на востоке.

Именно этот обширный регион включал важную экономическую базу палеомегаллов, главным образом меди — в районе Каргалы в Южном Приуралье¹¹, в Кызылкуме (между Согдом и Хорезмом¹²) и Центральном Казахстане. Каргалы, что на границе Европы и Азии

⁷ Авеста. Избранные гимны из Видевдата//Пер. Стеблин-Каменского И. М. М., 1993. С. 101, 110.

⁸ Там же. С. 110—111.

⁹ Gershevitch J. Zoroasters Own Contribution — Journal of Near Eastern Studies. Chicago, 1964. XXIII, P. 35 et al.

¹⁰ Nyberg H. S. Religionen des alten Iran. Leipzig, 1938.

¹¹ Черных Е. Н. Каргалы. Забытый мир. М., 1997.

¹² Буряков Ю. Ф. Горно-металлургическая база Кызылкумов в формировании государственности Хорезма и Согда. Международный симпозиум «Цивилизация древнего Хорезма в контексте истории мировой культуры и полевой семинар» Археология древнего Ташкырманского базиса. Нукус: Бустон, 2000. С. 29—31.

в степях Южного Урала неподалеку от Оренбурга общей площадью около 500 км², усеяны многочисленными следами шахт, штолен, карьеров и шурфов в увалах, скрывавших гигантские запасы рудной породы, сдвинутой реками при разрушении Урала. До 80—90% это окисленный медный минерал — малахит. Руда и металлические орудия здесь найдены не только в пунктах плавки, но и в курганных погребениях скотоводов, свидетельствуя об активном оседании последних и включении в рудно-металлургический процесс. Раскрыты жилища, плавильные площадки и пункты литья, отвалы шлаков и сакральные места, в том числе культовые штолни.

Зарождение здесь рудного дела предположительно могло относиться еще ко второй половине IV тысячелетия до н. э., но основное функционирование разработки происходило в XVII—XIV вв. до н. э. Общий объем переработанной тогда породы оценивается в пределах 2—3 млн. т с извлечением 55—60 тыс. т меди¹³.

Изучение второго рудного центра — Кызылкума — только начинается. Но уже сегодня геолого-археологическими исследованиями в невысоких горах Коктау, Ауминзату, Тамдытау и Букантау выявлены значительные объемы рудодобычи, превышающие 250 тыс. т, а в долинах прарусел обнаружены пояса металлургической плавки, перекрытые песчаными барханами. Время разработки датируется от эпохи медного века до начала I тысячелетия до н. э., но его расцвет относится к эпохе бронзы¹⁴. В отличие от Каргалы, этот центр располагался ближе к месторождениям олова¹⁵, разработка которого в долине Зарафшана, как доказано работами узбекско-германской археологической экспедиции, определенно началась еще с эпохи бронзы и объемы ее добычи и производства были весьма значительными, а сроки работы продолжительными¹⁶.

В Казахстане рудные источники меди открыты в Центральном Казахстане в Сарыарке. На обширной территории выделяются пять рудных центров: на западе — Атасу и Джезказган (близ г. Улутау), на севере — Бозшаколь, в центре — Алтынторе и Успенское, на юге — Канказган (в Бетпакдале), на юго-востоке — Коунрад с Саяком в Северном Прибалхашье с большими запасами медной руды и полиметаллов¹⁷. В некоторых районах выявлены и оловянные руды¹⁸. Дати-

¹³ Черных Е. Н. Каргалы. С. 46, 51, 74—75.

¹⁴ Баскаков Ю. Ф., Абрамов Ю. Р., Пругер Е. Б. Древние медеплавильни в Кызылкумах//Узбекский геологический журнал. 1974. № 4. С. 76—77; Букаков Ю. Ф. Горно-металлургическая база Кызылкумов в формировании государственности Хорезма и Согда. С. 30.

¹⁵ Ионин Н. В. Олово в Средней Азии//Минеральные богатства Средней Азии. Л., 1935. С. 130—135; Горбунов Н. П. Таджикско-памирская экспедиция Сониаркома и Академии наук. 1932—1933 гг./Minerальные богатства Средней Азии. С. 502—503.

¹⁶ Alimov K., Vologofskaya N., Bubnova M., Bugjakov Yu. F. et al. Prahistorischer Zinnbergbau in Mittelasien//Eurasia Antiqua, Zeitschrift für Archäologie Eurasiens, band 4, 1998. S. 137—199.

¹⁷ Кузинецова Э. Ф. Производство цветных и благородных металлов в Центральном Казахстане в эпоху бронзы и ранних кочевников//Взаимодействие кочевых

ровка рудных и плавильных пунктов по извлечению меди в основном относится к двум этапам — XVII—XIV и XIII—IX вв. до н. э.¹⁹, а по объему добычи данный регион включается в один из крупнейших рудных центров²⁰.

Пункты работы металлургов во всех этих областях сочетаются с открытием в некоторых из них курганов, где обнаружены руда и металл, а также и поселений, уникальным среди которых является Аркаим с жилыми и культовыми комплексами, позволяющий сопоставить его планировку с авестийской варой²¹, и погребальные комплексы Синташты²² с укладкой в них вместе с погребенными боевых коней.

Представленный в производственных центрах этих регионов процесс превращения с помощью огня, воды и воздуха твердой земной стихии в жидкий металл, создающий орудия для получения природных благ и грозного оружия, позволяет понять эволюцию мышления его носителей и формирования религии с обожествлением космических стихий и сложением первой мировой религии — Авесты. В ядро этих регионов включались как Арианам Вейджа — Арийский простор, в который входит Хорезм, так и область Гава Сугды.

культур и ранних цивилизаций. Алма-Ата, 1989; Қадырбаев М. К., Курманкулов Ж. Культура древних скотоводов и металлургов Сары Арки. Алма-Ата, 1992; Кузнецова Э. Ф., Тепловодская Т. М. Древняя металлургия и горнодобывающее производство Центрального Казахстана. Алма-Ата, 1994.

¹⁸ Щербак Г. Н. К истории горного промысла в Казахстане//Вестник АН Каз. 1946. № 11. (20). С. 28; Жилинский Г. Б. Оловоносность Центрального Казахстана. Алма-Ата, 1959.

¹⁹ Кузнецова Э. Ф., Тепловодская Т. М. Древняя металлургия и горнодобывающее производство Центрального Казахстана. С. 5.

²⁰ Сатпаев К. И. Донторические памятники в Джезказганском районе//Народное хозяйство Казахстана. Алма-Ата, 1941. № 1.

²¹ Аркаим. Исследования, поиски, открытия. Челябинск, 1995.

²² Генинг В. Ф., Зданович Г. Б., Генинг В. В. Синташта. Челябинск, 1992.

M. Исҳоқов

«АВЕСТО»ДА ЭЗГУЛИК ВА ЕВУЗЛИК (МИФОЛОГИК ҚАТЛАМЛАР ТАҲЛИЛИ АСОСИДА)

Зардўштийлик динини, унинг муқаддас китоби «Авесто»ни гарб олимлари одатда фақат эронийзабон халқлар билан боғлаб тушуниди. Аммо, зардўштийлик дини Ўрта Осиёда туркнийзабон этносларнинг, жумладан ўзбек халқининг ҳам маънавий дунёси шаклланишида асосий омил бўлган. Буни ўзбек халқининг тарихий этнографик хусусиятлари, бугунги турмуш тарзи, урф-одатлари, тафаккур-ментал хусусиятлари яққол кўрсатиб турибди²³.

¹ Авеста в русских переводах. М., 1998, С. 7.

² Аширов А. Реликты древних верований населения Ферганской долины. Ташкент, 2000.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўзбек халқининг туркий тиллар оиласига мансублиги Авестога ворисликни инкор этмайди. Зоро, ўзбек тили субстрат (туб) туркий ахолига туркйизабон сиёсий давлатчилик вазиятларида келиб қўшилган қарлуқ, чигил, яғмо, уйғур тилларининг таъсири асосида шаклланган. Туркий тил вазиятининг устуворлиги ва туркий сиёсий давлатчилик жараёнлари зардўшийлик анъ-аналарини йўқ қилимаган³, балки ўзлаштириб, янада бойитган. Бино-барин, диний тасаввурларнинг моҳияти бир, яъни эзгулик, яхшилик учун кураш, ёвузликни даф қилишидир.

«Авесто» китобида мифологик қатламлар кўплаб реал тарихий воқеа-ҳодисаларнинг умумлашма баёнлари ёки уларга ўз даври учун машҳур воқеалар сифатида ишорат қиливчи лавҳалар билан қоришиган ҳолда илк давлатчилик босқичларининг ижтимоий тарихий модели сифатида юзага келган. Шу туфайли кўпинча мифологик, хаёлий манзаралар, ровий ҳикоятлар ва тафсилотлар реал тарихий материал билан қоришиб, уларга сингиб кетгандек. Баъзан миф ва тарих чегарасини аниқ белгилаш қийин. «Авесто»нинг бу хусусияти минг йиллар аввал яшаган узоқ аждодларимизнинг ҳаёт муносабатларини хаёлот кўзгуси орқали бадиий умумлаштиришда юксак даражага эришганларини кўрсатади⁴. Барча мифологик қатламлар учун хос умумийлик шуки, улар эзгулик ва ёвузлик ўртасида танлаш, эзгулик томонида туриш учун ибрат, панд-насиҳат манбаидир.

«Авесто» мифологияси устида бир қатор илмий изланишларнинг натижалари эълон қилинган. Лекин бу илмий муаммо ўзининг мукаммал ечимини топши учун ҳали кўп тадқиқотлар талаб этилади⁵. Аввало эзгулик ва ёвузлик кураши билан боғлиқ бош ғоявий негиз мифологиянинг икки кутуби учун асосий манбадир. «Авесто»ни талқин этишда мифларнинг ўрни ва ролини тўла тасаввур этиш лозим. Гап шундаки, бу китобда инсоният тарихида биринчи бор Ахура Мазда ва унинг хислатларини образлаштириш орқали юзага келган эманациялари, бошқача айтганда, вазифадор малоикалари ҳамда Ахура Мазданинг ўзи яратган барча маъбуд ва маъбудалари мавҳум сиймоларга, абстракт илоҳий тушунчаларга айланган⁶.

Ахура Мазданинг қуёш диски ичига олинган қанотли одам қиёфасидаги тасвири аҳамонийлар даврида пайдо бўлган. У ҳам бўлса Ашшур (Оссурия) подшолиги даврида Месопотамиянинг олий худоси Ашшур тасвирининг бир оз ўзгартирилган⁷ балки Доро I қиёфасига мос кўриниши эди.

³ Узбек халқининг этногенези масалалари//Ўзбекистон ФТДК гранти бўйича 1995—1996 йилларда бажарилган мавзу ҳисоботига М. Исҳоқов ёзган қисм. Ҳисобот республика техника адабиёт кутубхонасида сақланади.

⁴ Исҳоқов М. «Авесто» китобининг баъзи мифологик сюжетлари талқинига денир//«Авесто» китоби тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаси» мавзудаги илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент, 2000.

⁵ Зороастрийская мифология. Рак И. В. Мифы древнего и средневекового Ирана. Спб., 1998. Бу асар ҳам зардўшийликни фэзат Эрон билан боғлаш каби хато қарашни давом эттиради.

⁶ Исҳоқов М. Эзгу ўй, эзгу сўз, зазу амал. Тошкент, 2001.

⁷ Рак А. В. Зороастрийская мифология... С. 535.

Зардўштийликнинг Эронга тарқалишидан олдинги Ўрта Осиёда кечган илк босқичларида Ахура Мазда ва унинг атрофидаги пантеон нурли мавҳум сиймолар эди. Бу сиймоларда одамлар мутлақ (абсолют) эзгулик тимсолларини кўришар эди.

«Авесто» китобидаги мифологик лавҳаларда маъбуд ва маъбудаларнинг одамга қиёс қилинган антропоморф таснифлари кўп учрайди. Масалан, Ардви Сура Анахита бир ўринда қадди-қомати келишган, бўйчан, кўқраклари бўлиқ, салобатли гўзал қизга, бошқа ўринда эса тўрт ёшга тўлган 300 қундуз мўйнасидан тикилган пўстин кийган қўркам аёл деб таърифланади. Яна бир лавҳада Ардви Сура тизгинларни маҳкам ушлаб тўрт оқ от қўшилган аравани бошқариб бораётган ҳолда тасвириланади. Митра алқовида борлиқда адолатли тартиб, ҳақиқат қўриқчиси Митранинг таърифи ҳам баъзан одам таърифи сифатида (антропоморф) берилади⁸. Булар қаҷонлардир Заратуштрага қадар маъбудалар қиёфаси тасвириланган ҳайкаллар ибодат объекти бўлганидан далолатdir.

Вараҳранинг эзгу дунёни қўриқлаш учун турли қиёфаларда пайдо бўлиши ҳам қизиқарли ҳолdir. Ўнда Вараҳран кучли шамол, ёвузликларга даҳшат солувчи нортуя, душманларга тикка ташланиб ёриб ташлагувчи қабон, 15 ёшли кучга тўлган, навқирон гўзал йигит ва бошқалар. Бу каби антропоморф ва зооморф хусусиятлар Зардўштдин ислоҳотидан олдинги чин маънодаги кўп худолик тасаввурларининг қолдиги деб баҳоланиши керак⁹. Бу мулоҳазалардан хуласа шуки, зардўштийликда илоҳий тушунчалар мавҳум, нур ёлқин сиймолар сифатида амал қилган. Ёмонлик келтирувчи кучларнинг манбани эса зулмат, қоронғулик дунёси деб тушунилган.

Зардўштийлик дини ижтимоий ахлоқий асосини эзгулик фояси ташкил этади. Аммо, ҳаётда эзгулик борки, унинг зиддида бирор ёвузлик ҳам бўла келган. «Авесто» китоби мифологик қатламларида анашу икки кутб — эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги қарама-қаршиликнинг албатта эзгулик ғалабаси билан тугашига ишонч мужасам. Айни мана шу ҳол на фақат зардўштийлик илоҳиётини тизимнин, балки мифологик қатламлар орқали рамзий умумлашмаларга айланган қадамият ахлоқий-фалсафий дунёсини ҳам икки қарама-қарши кутбга ажратган¹⁰.

«Авесто» мифологиясида космогоник тасаввурлар ҳам ўзининг эзгулик ва ёвузлик кураши фалсафаси орқали идрок этилиши алоҳида диққатга сазовор. Бу мифологик тизим Ахура Мазда томонидан коинотнинг эзгу асосларда яралиши ва унинг эзгу ибтидоларига зид ёзув руҳ Ахриман яратган антиподларидан иборат: аввал бошда на

⁸ Авесто. Ардви Сура алқови. М. Исҳоқов таржимаси//Ўзбек тили ва адабиёт. 1999. 3—4-сонлар янга қаранг. Исҳоқов М., Алимов Р. «Авесто»да Ардви Сура образы//Илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент, 2000.

⁹ Авесто. Вараҳран алқови (Бахран Яшт). М. Исҳоқов таржимаси//Ўзбек тили ва адабиёт. 5-сон.

¹⁰ Соколов С. Н. Зороастризм. «Авеста в русских переводах» китобида. М., 1998. С. 15—17; Дрезден М. Миғолозия древнего Ирана. «Мифология древнего мира» китобида. М., 1977.

Ер, на Қүёш, на сайдералар, на сабит юлдузлар бор эди. Фақат чексиз-чегарасиз, бошу адоқсиз вақт зрувана-акарана бор эди¹¹. Зрувана ичра азал эгулик ибтидоси Ахура Мазда бор эди... У аввало ўзининг құдрати ифодаси Спэнта-Майнини яратди. Бўлажак дунёсининг барча эзгу хилқатлари руҳини яратди¹². Булар маъбуллар (язатлар), осмон, сувлар, ер, олов, ўсмиллар, ҳайвонлар ва ниҳоят оламда яралажак одамлар руҳлари (фравашилари) эди... Шу зрувана-акарана ичра Ахура Мазда энг доно билгич, зот сифатида зулмат дунёсининг борлигини, унда Ангхра-Майнину номли идроки, ақли суст, бузғунчилик, ҳирс қўйинида қолган ёвуз ва баҳил ибтидо ҳам борлигини билар, эди. Ангхра-Майнину эса ақли пастилиги, фақат ёвузлик руҳи билан бошқарилган қабиқ моҳияти туфайли Ахура Мазданинг — эзгулик дунёсини яратувчининг борлигини ҳали билмасди. Ахура Мазда ўзининг зидди, ёвуз Ангхра-Майнининг зулмат ичра борлигини билган ҳолда ўзининг чеку чегарасиз Нур дунёси Анахранам-Раучасидан (арши аълосидан) туриб уч минг йил давомида эзгу дунёning руҳий асосларини, сўнгра моддий эзгулик дунё каршварларию, Хванирата номли савобли юртларни, одамлари учун хуш ва гўзал манзилларини яратди. Чексиз замон — зрувана ичра яралган руҳларининг моддий манзиллари чексиз вақт ичра туғилаверади, пайдо бўлаверади. Бу жараён ҳозир ҳам тўхтамаган.

Эзгу дунё яралиш уч минг йил давом этгач, Ангхра-Майнину зулмат қўйинидан Ахура Мазданинг нурли эзгу дунёсига яқин келиб, ўзи кутмаган ҳолда абадий баҳтү сурур, тўқлик, фаровонлик ҳукмрон, на касаллик, на ўлим, на қартайни бор ҳаётни кўрди. Ҳасаддан ўртаниб, жаҳолат ичра ўз ёвузликларини бошлайди. Нурга қарши зулмат, эзгу маъбулларга қарши девлар, парилар, Ҳақиқатга қарши Ёлғон яралди. Дунё эзгуликлари ва ёвузликлари аралашиб кетди. Қоришик дунё фақат тўққизинчи минг йиллик бошланганда туғилажак Заратуштра шарофати билан покланиш даврига киради. Ниҳоят 12 минг йил тўлганда Заратуштра уруғидан чиққан қутқарувчи зотлар — осушиянтлар дунёга келади. Ёвузлик ва эзгулик ўртасида ҳаёт-мамот жангни бошланади. Эзгулик ғалаба қилиб оламда ёвузлик барҳам топади¹³. Осушиянтлар барчанинг гуноҳларини худодан сўраб, руҳларини абадий жаннатга (авесточа Ваху Ҳишта — бихиштга) етаклади. Ерда азалдагидек ҳали, Ангхра-Майнину пайдо бўлмасдан олдингидек Ахура Мазда яратган «Олтин аср — ўлим йўқ, касаллик, ёмонлик, Ёлғон йўқ» дунё қайта тикланади. Бу моделда улкан мифологик манзара акс этган. Яъни бу зардўштийлик динининг оптимистик руҳидан, ўзига хос Заратуштра социал утопиясидан яққол далолатdir.

¹¹ Лившиц В. А. «Авесто»нинг русча таржимаси (танланган Яшлар)нинг 1990 йилги Душанбе нашрига кириш сўзи. Қиёс қилинг: Соколов С. Н. Зороастризм..., «Авеста в русских переводах» китоби, 16—17-бетлар.

¹² Авесто. Фравардин Яшт. М. Исҳоқов таржимаси//Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. 2-сон.

¹³ Соколов С. Н. Уша аср, 18-бет; Исҳоқов М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал. Тошкент, 2001. 18—23-бетлар.

Шу ўринда савол туғилади: Ахура Мазданинг құдрати чексиз бўлса, у Ахриманнинг ёвуз ниятларини билса нечун уни бошидаёқ йўқ этмади. Ахир у бунга қодир эди-ку! Ҳа, ҳамма масала шундаки, Ахура Мазда бандаларининг ва барча ўзи яратган ибтидоларнинг яхшилик ва ёмонлик ўртасида эркин танлашлари учун имкон яратди. Токим, инсон эзгулика эътиқодда чин дилдан, астойдил, имон билан бўлсин. Бир марта келган имонга абад ул-абад содиқ бўлсин. Бир сўз билан айтганда Ангхра-Маййунинг ёвузликлари бутун эзгу борлиқ учун синов дунёси, айниқса, одам боласи Ангхра-Маййунинг шайтоний қутқуларига муросасиз бўлмоғи, Мазданинг эзгулик дунёсига содиқ бўлмоғи керак.

Зардўшийликнинг эзгу яралиш тарихида коинот уч қатлам деб тушунтирилади. Қўёшнинг тепасида Ахура Мазданинг макони «Шарраф уйи» — Гаронмана бор. Бу манзил Анахранам-Рауча туганмас ёлқин (нур) макони ҳамдир. У дунёда имонлиларнинг рұхлари эриша жак агадий фарах манзили шудир. Соддарақ айтсақ, Ахура Мазда эзгу инсонларга ваъда берган бихишт (жаннат) ҳам шу.

Гаронмананинг, яъни жаннатмакон (бихишт)нинг зидди пастда тубсиз қоронгулик маконда Даужваҳ-дўзах жойлашган. Ҳар икки маконнинг ўртаси аввал бўшлиқ эди. Лекин кейин Ахура-Мазда иродаси билан бўшлиқни Осмон ва Ер тўлдирди. Бу макон эзгулик ва ёвузлик ўртасида кураш майдонидир¹⁴.

Ҳар уч макон яралгач, Ахура Мазда Ерни ўсимликлар дунёси билан тўлдирди. Бу тўртинчи навбатда яралмиш наботот дунёси эди. Бешинчи навбатда Ахура Мазда Ерни тўлдирниш учун нур таратид тургувчи оппоқ Буқани яратди. Нихоят, Ахура Мазда олтинчи яралмиш қилиб тану жони бор, алмисоқда — азалда фравашиси яралган Одамни пайдо қилди. Бу ҳилқатнинг ярми тани бўлмиш хўқиздан тушган бир жуфт уруғдан бир эрқак ва бир аёл дунёга келди. Улар барча одамларнинг отаси ва онаси бўлишди (бу ривоят Одам ато ва Момоҳаво тарихларини эслатади). Бу ҳол динлар тарихида умумийлик ва хосликлар доирасида ўрганиладиган масалалардан биридир. Муҳими шуки, одамга юкланган масъулият Ахура Мазданинг эзгуликлар дунёсини янада муқаммал қилиш, унга ривожу равнақ беришдир.

«Авесто» мифологиясининг улкан қатлами зардўшийлик дунёқараши илоҳиёт тизимининг иккى гуруҳи яъни ахуралар ва язатлар тизимининг қандай талқин этилгани, дин амалиётида ҳамда ижтимоий-ахлоқий муносабатлар доирасида уларнинг ўрни қандайлиги билан боғлиқ. Ахуралар ва язатлардан юқорироқ мақомда ҳамиша барҳаёт муқаддас зотлар Амэша Спандлар туради. Улар юқорида айтилган Ахура Мазданинг хислатларидирлар. Авестошуносликда Амэша Спандлар Ахура Мазданинг вазифадор эманациялари дейилади. Булар Воху-Мана, Аша-Вахишта, Хшатра Варйа, Спента Армайти, Хаурватат, Амэрэтотлардир. Бу зотлар ҳар бири ўз соҳаси бўйича ҳомийдек тизим бўлиб, яхлит маънода Ахура Мазданинг эзгу ўй, илоҳий тартиби,

¹⁴ Дрезден М. Мифология древнего Ирана. «Мифология древнего мира» китобида.

лойиқ ва муносиб күч-қудрат, муқаддас итоат, тансоғлиқ, жисман ва руҳан ҳамиша барҳаётликни кафолатловчи турли илохий қудрат қирралариdir. «Авесто»да ушбу ёрдамчи зотларнинг мифологик қиёфаси аниқ тавсифга эга эмас, улар мавхум нурли сиймолардек берилган. Лекин Ахура Мазда дини аҳамонийлар сулоласи даврида Эронга тарқалган пайтда Амэша Спанд-олти зотнинг — барҳаёт муқаддас эмманацияларнинг ҳам антропоморф (одам) қиёфасидаги, тасвиirlари коятошларда пайдо бўлади. Бу бизнингча, қадимги Эрон салтанатида Ахура Мазда дини рамзиатларига яна бир бор Месопотамия илоҳларни тасвиrlаш анъанаси таъсир кўрсатганидан далолатdir¹⁵. Мухими шуки, Эрон салтанати даврида бу дин аҳамонийлар томонидан ўз хокимиятлаорининг илоҳийлиги концепциясини асослаш учун қабул қилинган. Лекин бу сиёсий ғоя туфайли аҳамонийлар бирор марта Мазда дини хабарини етказган Заратуштрани эслашмайди. Нега? Чунки аҳамонийлар ўзларини ерда Ахура Мазда иродаси билан подшо деб эълон қилиши. Улар учун пайғамбарнинг тарихий миссиясини тан олиш нокулай эди. Чунки улар Ахура Мазда тўғридан-тўғри аҳамонийларга — Кирга, Дорога, Артаксерксга ва ҳ. к. берган илохий ҳокимият ғояси мухимроқ эди. Бу хол Заёдшт динининг Урта Осиё ҳудудларида шаклланиб, Эронга муайян ўзгаришлар билан кейин кириб борганини яна бир бор исботлайди.

Язатлар, яъни маъбуллар тизими мавжудлиги Ахура Мазданинг яккалиги ғоясини бузгандек кўринади. Чунки Ахура Мазда томонидан язатлар «намоз бағишланишга лойиқ қилинган маъбуллар»dir. Улар Атап, Митра (Мехр), Ап, Хварҳшайати, Тиштрия (Тир), Вератрагна, (Вараҳдан), Ардви Сура, Аши, Ҳаома, Вайу, Сраоша, Рашну кабилардир. Уларнинг вазифалари, маънавий ҳимоят соҳаларининг таҳлили алоҳида масала. Бу ўринда айрим қирраларни кўрсатиш кифоядир. Масалан, Атар — муқаддас олов. У дастлаб бутун коинотнинг қудратини таъминловчи моддий бўлмаган илоҳий руҳий қувват рамзи, мавхум образ бўлган. У ҳақни ноҳақдан айирган. Адолат ва ҳақиқат қўриқчиси. Заратуштра яратган қўшиқларда Атар муқаддас эзгу ибтидо бўлиб, у коинот бўйлаб тўлиб турувчи инстанция деб тушунилган. Яштларда Атар Ҳақиқат илоҳийси Ашиннинг оғаси, Ахура Мазданинг ўғли деб таърифланади. Бу таъриф Атарнинг эътиқод обьекти сифатида маросим, расм-руслардаги обрўсини янада ошириш мақсадила қўшилган бўлиши мумкин.

Лекин Атар аста антропоморф (одам тасвирига ўхшаш) тавсиф сла бошлаган; Ахура Мазданинг ўғли деб тушунилади. У ҳақиқат қўриқчиси, Атарнинг осмон олови, тирик жон (жумладан одам) танасидаги «олов», дараҳт танига яширинган олов, чакмоқ олови, ниҳоят осмонда Ахура Мазда ҳузурда азал ва абад ёниб тургувчи олов турлари бор деб ҳисобланади¹⁶. Булар ҳаммаси зардўшийликда оловнинг расмий дин тизимига маъбуд сифатида киритилгани билан

¹⁵ Рак И. В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. Спб., 1998. С. 535—536.

¹⁶ Соколов С. Н. Зороастранизм.... «Русские переводы Авесты». С. 14,

боғлиқ эди. Атар — олов эътиқоди мавжудлиги зардўштийлик тушун-часини тўла ифода этмайди. Балки бу дин амалиётининг маънавий марказидаги рамзий обьектидир. Шунинг учун зардўштийлик ва оташ-парастлик атамаларни тенг маънода қўллаш тўғри эмас.

Язатлардан Вератрагна құдратли ҳарбий ҳимоят каби тушунилса, Митра борлиқни ёвузилик, ёлғон, қабоҳат, разолат бузғунликдан асрайди. Эзгуликининг ғалабасига хизмат қиласди. Унинг энг муҳим вазифаси — илоҳий сўзга содиқлик, инсоҷонинг имон аҳдида мустаҳкамлигини назорат қилиш. Айни шу вазифа туфайли Митра битим худоси деб ҳам юритилади. Ҳуқуқий амалий соҳада ҳам битимлар Митра номидан тузилиб, ўларнинг ижросидаги бузилишлар Митра томонидан жазоланади, деб тушунилган¹⁷.

Язатлар қаторида Хваронинг ўрии алоҳида. Бу маъбуд Атарнинг бир кўринини. Яъни у ҳақ рамзи илоҳий оловдан құдрат олгувчи мавҳум муқаддас куч. У кўринимас ҳолда худо ато этган имонли зотларга, эзгу ниятили одамларга қўнади. Подшолик салтанати худодан ато бўлади ва Хварно орқали етишади. Пайғамбарлик мартабаси Заратуштраға ҳам Хварно орқали етишган. Бу унинг тақдирига азалдан ёзилган эди. Масалан, ёмон ниятили Франхрасйон қанчалик илоҳий баҳт, омад рамзи Хварони (фарни) қўлга киритишга уринмасин, бунга эришолмайди. Хварно имонсизларга тутқич бермайди, яқин йўллатмайди ва х. к. Хварнога «Авесто»да маҳсус 19-Яшт алқов достони бағишиланган¹⁸.

Ардви Сура Анахита «құдратли, покиза, бокиравлик» рамзи бўлмиш маъбуда. У сув файзу барокат ҳомийси. Яштларда Обон Яшт номи шундан. уни Амударёнинг ҳамда дунё сувларининг эзгу ҳомийси сингари талқин қилинади. Лекин Ардви Суранинг бир қатор бошқа вазифалари ҳам борки, улар оила, фарзандлар кўпайини, ёшларнинг (айнича, қизларнинг) баҳти, аёллар пуштида фарзанд пайдо бўлини, туғругини осоӣ этиш, имонлilarга баҳт, омад бериш кабиладир. Бундай универсаллик айтидан бу маъбуда зардўштийлик тизимиға кирмасдан аввалги серқирига вазифаларни қолдигидир.

Язатлардан Сраоша ва Рашинулар ҳам бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Сраоша тингламоқ каби маъно билан боғлиқ. Яъни у имонли одамларнинг эзгу сўзларини, сидқидилдан ўқиган дуоларини, алқовларини тинглаб савоб ёзувчи, у дунёда руҳининг Чинвод кўприги (пули сирот)дан ўтиши олдидан сўроқ қилгувчилардан бири. Рашину ёса ҳақ, адолат, ростликни таъминловчи маъбууд. Сраоша ва Рашину, «Яшт» китобида ҳамда «Видевдот»да айтилишича Митра билан сафдош (издош) ҳолда адолатли тартибни, ахлоқий, покликни, имон саломатлигини қўриқлайди¹⁹. Инсоннинг қалбida эзгу ишларга рағбат ўйғотиб, ёвузиликдан юз ўгиришга даъват этади.

¹⁷ Авесто. Митра алқови. М. Исҳоқов таржимаси//Ўзбек тили ва адабиёти. 1999—2000 йил сонлари.

¹⁸ Авесто. Хварно алқови. М. Исҳоқов таржимаси//Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. 3-сон.

¹⁹ Исҳоқов М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал. Тошкент, 2001. 3-бет.

«Авесто» мифологиясининг муракаб қатламини қадим замонларда, хусусан, бу китоб ҳали оғзаки анъана асосида авлоддан авлодга ўтиб келган даврларда реал тарихий ёки ровий ҳикоя ва достонларнинг қолдиқлари ташкил этади. Улар орасида фольклорнинг турли тараққиёт босқичларига хос кўплаб қизиқарли қолдиқлари мавжуд.

Бу масала ижод аҳлининг ва адабиётшунос ҳамда тарихчиларнинг диққатини кўпдан бери тортиб келади. Масалан, илк ўрта асрлардан бошлаб «Авесто» китоби материаллари таъсирида «Хвадайнамак», кейинроқ X асрда эса «Шоҳнома» каби буюк асарлар яратилди. Форстожик адабиёти билан бир қаторда туркйтили мумтоз адабиётда ҳам таъсир излари яққол кузатилади. Жамшид, Каюмарс, Пешодийлар сулоласи, Хушанг, Тахмурас, Фаридун, Кайқубод, Кайковус, Сиёвуш — булар ижобий қатор, Франхрасйон, Ажи Даҳака ва бошқалар каби салбий қатор ярим асотирий, баъзан мутлоқ мифологик хаёлийлар бўёқларда адабий, тарихий манбаларда бутун ўрта аср оша бизгача етиб келди.

«Авесто»да пайғамбар Заратуштранинг шахси ҳам ривоятлар билан ўралган. Аввало, зардўшийлик адабиётида Зардустнинг туғилиши илоҳийлаштирилади²⁰. Ҳатто, унинг онаси Дутзауб (Дуғдова ўз онаси қорнида пайдо бўлишидан бошлаб, яъни Заратуштранинг она аждодида илоҳий белгилар содир бўлгани, Заратуштра (Зардуст) туғилишининг файритабиилиги ва бунга илоҳий мазмун берилиши булярнинг барчаси мифологик ишловдан ўтган. Қолаверса, Зардўштнинг пайғамбарлик мартабасига лойиқ этилиши ҳам ровий тус олган. Лекин таъкидлаш лозимки, Заратуштра ундан қолган мерос. «Гоҳ»ларнинг мазмунига диққат қиссан, тарихан бронза асри поёнида аниқ яшаб ўтган шахсdir. У ўз замони учун катта билим, ҳаётий тажриба эгаси, файласуфона фикр юритиш, ақлий муҳим хуносалар қила олиш даражасидаги илгор киши бўлган. Акс ҳолда юрт бирлиги ва хотиржамлиги, ижтимоий равнақ, маънавий юксалиш учун ғоя бирлиги, мағкуравий яқдиллик зарурлигини тушуниб етиш амри маҳол эди. Заратуштра ўз руҳий ва ақлий камолатини эзгулик ва адолат ғояси билан боғлаб, ҳаётни ва фаолиятини шунга тўлиқ бағишилади. У инсоният жамиятигина эмас, ҳар бир инсон қалбидан ёвузлик унсурларини сугуриб ташлаш, абадий безавол дунё яратиш, шоху гадони Ҳақ олдидаги тенг қилиш ғояси билан яшади. Заратуштра Ахура Мазда динига кўпхудолик жаҳолатини енгиб одамларни етаклай олди.

Сўзимиз сўнгига бир мантиқий саволга ўрин бордек сезилади: Эзгуликнинг ёвузлик устидан тўла ғалабаси қаҷон келади? Бу масала «Авесто» китоби оптимизм билан сугорилган. Зоро, Заратуштра келтирган дин оптимистик ғоя асосига қурилган. Лекин ёвузлик, ёмонлик, қабоҳат, разолат йўқ бўлсин десак бутун ҳам ўз қалбимизга қулоқ тутайлник. Ниятларимизни ўткинчи манфаатлар таъмасидан

²⁰ Ҳ. Ҳомидий. Зардуст фалсафаси. «Авесто — тарихимиз ва маънавиятизмнинг илк ёзма манбани». Илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент, 2000, 39—46-бетлар. Бу муаллиф ровий анъанага ҳақиқат деб қарашга мойиллик кўрсатади. Ваҳдолонки, Зардуст биографияси кейнинг замонларда идеаллаштирилаб, турли мўъжизавийлик пардалари билан ўралган.

поклайлик. Эзгу ниятлар билан яшай бошлайлик. Сўзларимиз ҳақ таоло буюргандек эзгулик ниятларимизга мос бўлсин. Ният ва сўз бирлиги имон белгисидир. Ниҳоят, эзгулик ғалабаси учун эзгу ният ва эзгу сўзларимиз билан мувофиқ амалларни бажарайлик. Бу эса эзгуликни кўпайтиришнинг бош омилидир. Зеро, ҳақиқат йўлида ҳалол меҳнат ёвузликларни даф этиши «Авесто»да ёзиб қўйилган. Бу дунёни эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал қутқаради. Ёвузликлар эса ўткинчи. Қолаверса, бу гоялар халқимизга ислом дини орқали янада мукаммал бўлиб келган ва бизлар алҳамду лиллоҳки, ислом динидаги миллатлар орасида энг нуфузли, энг шарафли ўринлардамиз. Аждодларимиз ислом равнақига улкан ҳисса қўшганлари ҳам бунинг ёрқин ифодаси сифатида бизлар учун ифтихор манбаидир.

Шундай қилиб, зардустра дини исломга кириб Оллоҳни таи олгунларига қадар қадим аждодларимиз учун мураккаб илоҳий синов босқичи бўлган. Бинобарин, Оллоҳ азалдир, бандаларини турли йўлларда синаб ўзининг афзаллигини билдиргувчидир.

T. Мирзаев, M. Жўраев

«АВЕСТО» МИФОЛОГИЯСИ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Узоқ ўтмишда яшаган аждодларимизнинг бениҳоя улкан ақлий салоҳияти ва ижодий иқтидори маҳсулни ўлароқ юзага келган «Авесто»нинг таркибий қисмларини ташкил этувчи алқов ва ривоятлар дастлаб оғзаки тарзда яратилиб, зардўштийлик динининг маросим ва ритуалларida маҳсус тайёргарликка эга бўлган коҳинилар томонидан ижро этилган. Шунинг учун ҳам бу улуғвор маънавий қадриятнинг яратилиши ва оммалари билан боғлиқ анъаналар эпос ижрочилигининг шаклланиши, такомиллашиши ҳамда Урта Осиё халқлари орасида қадимдан тараққий этиб келишида ҳам муҳим ўрин тутган.

Хусусан, ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди эпик анъаналарининг ривожига «Авесто» сюжетлари, унинг мотив ва образлар тизими салмоқли таъсир кўрсатган. Бу буюк маънавий қадриятимизнинг муайян излари ўзбек фольклорида бугунги кунга қадар сақланиб келаётганлиги ҳам «Авесто»нинг асосини ташкил этувчи мифологик қатлам бевосита бизнинг ўлкамизда шаклланган қадимий инончлар тизимидан иборат бўлганлигидан далолат беради.

Зардўштийлик даврида яратилган мифологик тасаввурларнинг аксарияти аждодларимиз бадий тафаккурининг кўп асрлик тарихий тараққиёти давомида эпик жанрларнинг сюжет тизимига сингиб кетганлиги боис «Авесто» мифологиясининг айрим образ ва мотивлари асосида юзага келган афсоналар ҳозирги кунда ҳам халқимиз орасида сақланиб қолган. Худди шундай афсоналардан бирини биз 1988 йилда Бухоро вилоятида фольклор экспедициясида бўлганимизда қоракўллик 58 яшар Шарофат момо Мурод Олим қизидан ёзиб олган эдик. Афсонада айтилишича, ҳар йили баҳорда Амударёда сув кўпаниб, дарё тошиб кетар ва қирғоқдаги ҳосиллор ерларнинг кўпгина

қисми сув остида қолиб кетаркан. Ёз ойларининг бошларида сув қайтиб, дарё яна ўз ўзанида оқа бошларкан. Дарё тошган пайтда сув босган жойлар эса қип-қизил унумдор ерларга айланаркан. Одамлар ана шундай дарё ташлаб кетган жойларни ҳайдаб, ер қилиб, қовунтарвуз, кунжут, тариқ әкишар экан. Бир бобо ҳам қовун экибди-да, полизининг ёнидаги кичкинагина тепалик устига чотма (чайла) қуриб, шунинг соясида қовунини шўх болалардан қўримоқчи бўлиби. Чотмани қуриб битказгунча қўёш тиккага келиб, тушлиқ пайти ҳам бўлиб қолган экан. Бобо ўёқ-бўёқдан ўтин териб келиб, тепалик устида кичкина гулхан ёқибди-да, кумғонни оловга қўйиб чой қайната бошлабди. Бир маҳал ер қимирлагандай бўлиб, ҳалиги тепалик бир ағдарилибди-ю, чанг-тўзон кўтарилиб бобо ҳам, унинг чотмаси ҳам кўздан гойиб бўлиб қолибди. Бу тепалик аслида Амударё суви тошган пайтда дарёдан сузиб чиққан катта лаққа балиқ бўлиб, сув пасайганда бу ерлар саёзлик қилиб ўзини дарёга ололмай қолиб кетган экан. Бобо чой қўйман деб олов ёққан пайтда унинг танига иссиқ ўтиб, бир қўз-фалган экан, шунда бобо бечора балиқнинг тагига юмалаб тушибғиб бўлган эмиш.

Бу афсона сюжетининг қадимий асослари «Авесто»нинг «Замйад яшт» номли алқовига бориб тақалади. Бу яштнинг 40-бандида баҳодир Кэришаспнинг аждаҳони ўлдириши воқеалари шундай тасвирланган:

Шоҳдор илон Сэрэварни —
 Отлару одамларни
 Ютгувчи аждаҳони
 Кэришасп ўлдирганда,
 Тани тўла сан-сариқ
 Заҳрини сочиб баланд,
 Оғусин пайза бўйи
 Сачратган ул илонни.
 (Кэришасп ўлдирганда,
 Бундай иш бўлган эди):
 Кун тиккага келганди,
 Кэришасп ўзига
 Бир дўнгликтининг устида
 Солди бир қозон таом.
 Бу дўнглик эмас экан —
 Экан Сэрэвар илон...
 Иссиқ ўтиб танига,
 Билинибди жонига,
 Терлаб, у тўлғониди,
 Ағдарилибди қозон
 Қайнаб турган сув билан
 Ўзин четга олибди
 Кэришасп қайтмас полвон¹.

¹ Авесто. Замйад яшт (Хварио алқови)//Ўзбек тили ва адабиёти, 2000, 4-сон, 56 бет (М. Исҳоқов таржимаси).

Кўринадики, Кэришаспнинг Сэрэвар помлй шоҳдор илонни ўлдириши ҳақидаги қадимий мифда бу хаёлий жонзотнинг дўнгликка ўхшаб кўриниши ва қаҳрамон унинг устига чиқиб, таом пишириш мақсадида ўт ёққанида, танасига иссиқ теккан илон жон ҳолатда тўлғониши тасвирланган. Бу миф сюжетининг архаик шаклига хос мотивлар ва персонажлар тизими ўзбек халқ афсонасида ҳам сақланиб қолганлиги бежиз эмас. Чунки «Авесто» мифологиясининг эпик диффузияси натижасида дўнгликка ўхшаб кўринган аждар ёки илоннинг устига чиқиб ўт ёққан қаҳрамоннинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилувчи турли хил афсоналар келиб чиққан. Афсонанинг Кэришасп образи билан боғлиқ вариантлари, айниқса, халқ орасида кенг оммалашиб кетганлиги туфайли «Гершаспнома» типидаги асарлар ҳам юзага келган. Гершасп аждарни енгиши тўғрисидаги афсонанинг бир варианти адабиётшунос Н. Маллаев томонидан ҳам оммалаштирилган:

«Бир аждар кишиларга кўп баҳтисизликлар келтиради, қабиланинг ҳаёти хавф остида қолади. Қаҳрамон Гершасп аждарга қарши жангга отланади, аждарнинг масканига қараб йўл олади. Гершасп туш чорига қадар аждарни қидиради, бироқ уни тополмайди. У ўт қалаб овқат пиширмоқчи бўлади. Аждар шунчалик катта эканки, Гершасп анча вақт ухлаб ётган аждарнинг устида айланиб юрса ҳам, уни пайқамаган экан ва ўз ўчонини унинг устига қурган экан. Ут аждарнинг баданини қизитибди, аждар вазмини қўминалай бошлабди. Шундан кейингина Гершасп аждар устида кезиб юрганини пайқаб қолибди. Лекин Гершасп ваҳимага ва саросималикка тушмабди. У булкан ва даҳшатли махлуққа қарши жанг бошлабди, қуролларини моҳирлик билан ишлатибди, аждарни енгиб, кишиларни ҳалокатдан қутқарибди»².

Афсона сюжетининг барча эпик талқинларига хос муштарак жиҳатларидан бири қаҳрамоннинг улкан аждар (ёки унинг илон, балиқ сингари рамзий-мифологик тимсоллари)ни дўнглик деб ўйлаб, билмасдан унинг устига чиқиб ўт ёқиши мотивидир. Маълумки, қадимги мифологияни илон билан балиқ ҳосилдорлик ва сув культигининг зооморф тимсоллари ўлароқ тасаввур қилинган. Шунга кўра, юқоридаги ўзбек халқ афсонасида дарё тошувидан бўшаган ерга қовун экилишининг тасвирланганлиги ҳам мазкур сюжетнинг генезиси ўлкамизда дарёлар сатҳининг табиий кўтарилиши билан бөғлиқ ҳолда келиб чиққан илк суформа дәҳқончилик маданияти анъаналарининг шаклланиши давридаги агарар культлар билан алоқадор мифологик иончларга бориб тақалишини кўрсатади.

Аждар ёки балиқнинг дўнгликдай бўлиб кўриниши мотивининг тарихий асослари эса оламнинг яратилиши ҳақидаги самовий мифлар билан алоқадордир. Дунё халқларининг энг қадимий мифлари талқинига кўра, илон заминни кўтариб турувчи самовий жонзот ҳисобланади³.

² Маллаев Н. Узбек адабиёти тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1976, 46-бет.

³ Мифы народов мира. Т. 1. М., 1992. С. 470.

Сув устида яратилган бирламчи заминни илон кўтариб туриши ҳақидаги мифологик қарашларнинг тадрижий ривожи натижасида бу жонивор ернинг самовий таянчи сифатида тасаввур қилина бошланган. «Авесто»га сингдириб юборилган қадимий афсонада Кәришаспнинг аждарни дўнглик деб ўйлаши ҳам ана шу қадимий мифологик инончларга алоқадор мотив бўлиб, илон-аждарнинг дўнглик шаклидаги кўриниши илик замин ҳақидаги қарашларнинг самовий мифологиядаги эпик талқинидир.

«Авесто»да кельтирилган бу мифологик афсона сюжетининг ўзбек фольклорида қайд қилинган вариантида илон детали ўрнида лақ-қа балиқ тимсолининг кўлланилганлиги ҳам бу мотив заминнинг ибтидоси тўғрисидаги қадимий инончларга алоқадорлигини инкор этмайди. Чунки самовий мифологиянда балиқ ҳам илон сингари заминнинг таянчи вазифасини бажарувчи зооморф тимсоллар сирасига киради. Евроосиё халқлари мифологиясида балиқ заминнинг яратилишига сабаб бўлувчи (яъни балиқ томонидан уммон тубидан олиб чиқилган лойдан илик замин бино этилган дейилади) ёки уни кўтариб турувчи жонивор сифатида тасаввур қилинган. Хусусан, бурят асотирларида айтилишича, самовий уммонда сузуб юрган бу балиқ қалтироқ ҳаракат қиласа, ер қимирлар эмиш⁴.

Балиқ культи ва у билан боғлиқ мифологик қарашларнинг келиб чиқишига асос бўлган бундай тасаввурлар туркий халқларнинг қадим аждодларига ҳам маълум бўлган. Хусусан, тоғли Олтойда яшовчи туркий элатлар афсоналарида айтилишича, заминнинг яратилишига асос бўлган бирламчи манба — сувдир. Уммонда сузуб юрган мифологик қаҳрамон, яъни Улган ўз онаси Оқ Энанинг маслаҳати билан заминни яратган ва дастлабки ер парчаси сувга чўкиб кетмаслиги учун уни кербалиқ деб аталувчи учта улкан наҳангнинг устига ўрнатган эмиш⁵.

Қадимги туркийлар кербалиқ ёки кўрбалиқни сув ости оламида яшовчи афсонавий жонзор сифатида тасаввур қилишган. Гўё заминнинг осойишталиги ҳам ана шу балиқларга боғлиқ эмиш. Агар кербалиқлар сув тубига шўнғиса ёки бошини юқори кўтаришса, ер қимирлаб, дарёлар ўзанидан тошиб кетар экан. Шунинг учун Мангди Шира деган афсонавий баҳодир бу балиқлар думига боғланган арқон воситасида уларнинг ҳаракатини ўз измидга сақлаб тураркан⁶. Ўзбек халқ афсонасида лајқа балиқларнинг дарёга қайтиб кетолмай тепаликдай бўлиб қолиб кетиши мотивининг бевосита тошқин билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши ҳам қадимги мифологиядаги балиқ образи ернинг таянчи сифатида тасаввур қилинганлигини кўрсатади.

Улкан балиқ ҳақидаги бундай мифологик инончлар «Авесто»да ҳам ўз ифодасини топган. *Кара деб аталувчи* бу фаройиб балиқ Вон-

⁴ Соколов М. Н. Рыба//Мифы народов мира. М., 1992. С. 392.

⁵ Дьяконова В. П. Религиозные представления алтайцев и тувинцев о природе и человеке//Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. Л., 1976. С. 269.

⁶ Потапов Л. П. Тюркоязычных народов мифология//Мифы народов мира. Т. 2. М., 1992. С. 539.

рукаша кўлида сузиг юрар ва унинг ўртасида ўсувчи ҳаёт дараҳтини қўриқлар экан⁷. Қара ва Қербалиқ атамаларининг бир-бирига ўхшашлигига кўра бу афсонавий балиқ ҳақидаги мифологик қарашларнинг қадимий асослари муштарак заминга бориб тақалади деб ҳисоблаш мумкин. Демак, оламнинг яратилиши ва самовий тузилиши тўғрисидаги космогоник мифлар талқининг кўра, балиқ заминни кўтариб турувчи афсонавий таянчлардан бири сифатида тасаввур қилинган. Маълумки, мифларда моддий оламнинг тузилиши горизонтал ва вертикал йўналишлар бўйича тавсифланади. Балиқ ҳамиша вертикал самовий қурилишнинг мифологик унсурларидан бири сифатида иштирок этади. Яъни у заминнинг жонзот кўринишида тасаввур қилинган афсонавий таянчидир. Демак, юқорида келтирилган ўзбек халқ афсонасининг ўзак мотиви, яъни балиқнинг тепалик бўлиб кўриниши бирламчи заминнинг яратилиши ва уни кўтариб туради деб тасаввур қилинган балиқ тўғрисидаги арханг мифларнинг эпик ривожи натижасида шаклланган сюжет элементидир.

Қеришаспнинг аждар устида ўт ёқиб, таом пишириши мотивини Ажи-даҳака ва Трэтаона жангининг мифологик талқинлари тизимида таҳлил қилган С. П. Толстов бу миф зардӯштийлик билан алоқадор қадимий маросимлардан бирини ўзида акс эттирган деб ҳисоблади. Унинг фикрича, «Авесто»нинг XIX яштида афсонавий аждарни ўлдирган Қеришаспнинг улкан илон жасади устига чиқиб ўзига омад берган илоҳлар ҳақига қурбонлик маросимини ўтказиши тасвирланган⁸.

Бизнингча ҳам мазкур афсонанинг барча варианatlарida мавжуд бўлган бу мотивнинг замирида қадимий қурбонлик маросимининг асотирий талқинлари мужассамлашган бўлиб, эпик қаҳрамоннинг тепаликдай бўлиб кўринган илон ёки балиқнинг устида айни туш пайти олов ёқиши эса қўёш культидининг ифодасидир.

«Авесто» мифологик сюжетларининг муайян бир қисми ўзбек халқ достонлари, эртак ва афсоналарининг анъанавий мотивлар тизимини шакллантирувчи эпик асос вазифасини ўтаган. Ана шундай сюжет элементларидан бири ўзбек фольклоридаги сеҳрли пат билан алоқадор эпик мотивлар силсиласидир.

«Зар кокилли йигит» эртагида тасвирланишича, қаҳрамон ялмоғиз кампирнинг уйидаги қирқинчи хонани очиб, уч аргумоқ от билан учта гаройиб қушни қутқарганида отлар думларининг толасидан, қушлар эса бир дона патидан берибди. Олтин сочли бола подшонинг шартини бажариш мақсадида ана шу патларни куйдирганида қушлар ҳозир бўлиб, унинг мушкулни осон қилишибди⁹.

«Гулиқаҳқаҳ» эртагида эса чинор устига уя қурган қуш болаларини аждар хуружидан сақлаб қолган Тилло кокилга бир дона патидан беради. Тилло кокил ойнаи жаҳонномада кўринган қизни тониб келишда шу патни тутатиб, сеҳрли қуш ёрдамидан фойдаланади¹⁰.

⁷ Мифы мародов мира. Т. 1. М., 1992. С. 562.

⁸ Толстов С. П. Древний Хорезм. М.: Изд. МГУ, 1948. С. 302.

⁹ Олтин бешик. Узбек халқ ижоди. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 115—117-бетлар.

¹⁰ Чалпак ёқсан кун. Узбек халқ эртаклари. Тошкент: Чўлпон, 1987, 79—81-бетлар.

Күш патининг магик хусусиятга эгалиги ҳақидаги ҳалқ қарашлари «Кенж ботир» эртагида ҳам ўз бадиний ифодасини топган: эртак қаҳрамони чиройли олтин пат топиб олади. Шу пат билан қўзичоқларнинг саррини силайди ва улар бир-икки силкиниб семира бошлайдилар¹¹.

Ўзбек ҳалқ эртакларида магик хусусиятга эга бўлган сеҳрли ашёлардан бири сифатида қўлланилган қўши пати детали анъанавий поэтик тимсоллардан бири бўлиб, эпик қаҳрамонга кўмаклашувчи ҳомий кучларга алоқадор мифологик тасаввурларни ўзида акс эттирганлиги билан характерланади. Эпик қушларнинг қаҳрамонга ўз патини берishi мотиви туркий ҳалқлар фольклорининг муштарак сюжет элементларидан бири ҳисобланади.

Күш патининг гаройиб хислатга эгалиги ҳақидаги мифологик тасаввурларга асосланган эпик мотивлар ўзбек ҳалқ достонларида ҳам учрайди. Масалан, «Гўрўғлиниң туғилиши» достонида ҳомий персонаж қаҳрамонга икки дона пар бериб: «Парларнинг хосияти шуки, баданинга суртсанг гоҳи ёш бўласан, гоҳи қаритбланиб, ҳар хил одам бўлиб қоласан. Оқ парни баданинга суртсанг қора одам, қора парни сўйкасанг қора соқол бўлиб қоласан»¹², — дейди.

Магик хусусиятга эга бўлган сеҳрли пар билан боғлиқ эпик мотивлар бу туркумга мансуб бошқа достонлarda ҳам мавжуд. Хусусан, «Гулихиромон» достонида тасвиirlанишича, Гардоншоҳнинг пистирмасига дуч келиб, яраланг Аваҳон беҳуш ётганида, Хиромон унинг устига келиб қолади. У ўз ёрига ёрдам бермоқи бўлиб, унинг совутини кийиб, сочини бошига туйиб, жангта отланар экан, Аваҳоннинг сеҳрли патлар тўғрисида айтган сўзлари эсига тушади: «Аваҳон» айтган эди: «Оқ парни, кўк парни хосияти — бу нисби Чамбила давлатди, киши ёв зўрлик қилгандা кўк парни манглайига сурса, худди душманларнинг ўзига ўхшаб қолади. Оқ парни сиротнинг манглайига сурса, худди душманларнинг отига ўхшаб, чўммоқ бўлиб қолади». Хиромон бу парларнинг бировини отга, бировини ўзига суртди»¹³.

«Хушкелди» достонида эса Қалдирғоч мастон ўз юртига келган қари чол Гўрўғли эканини билиб, ёқасидан тутиб, Хунхоршоҳнинг хузурига олиб боради. Хунхоршоҳ бу чолнинг Гўрўғли эканига ишонқи-рамаганида Қалдирғоч мастон шундай дейди: «Ҳў, Хунхор, бунинг иккита пари бор, қадимги хосияти йўқ бўлиб кетган қушларнинг нусхаси. Оқ парни бетига сўйкаса, шундай чол бўлади. Қора парни бетига суртса, йигит бўлади. Шундай қилиб оқ парни юзига сўйкаб, бобо бўлиб юрибди. Агар шундай қилмаса, буни ҳамма таний беради-да»¹⁴.

Кўринадики, қүш пати эпик қаҳрамонга ўз кўринишини ўзгартириш имконини берувчи, унга магик хусусият баҳш этувчи, баҳт ва омад келтирувчи эпик восита вазифасини бажаради. Қаҳрамоннинг

¹¹ Ўзбек ҳалқ эртаклари. Тошкент, 1985, 5—6-бетлар.

¹² Гўрўғлиниң туғилиши. Ўзбек ҳалқ ижоди. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967, 137-бет.

¹³ Гулихиромон. Ўзбек ҳалқ ижоди. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1965, 282-бет.

¹⁴ Эргаш Жуманбулбул ўғли. Далли. Хушкелди. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 300-бет.

бу ғаройиб ашёга эга бўлиши лавҳаси ҳам турлича мотивлаштирилган бўлиб, эпик ҳомийларнинг эҳсони, афсонавий қуш томонидан полопониларининг қутқарилиши эвазига берилган ҳади ёки бевосита топиб олинган нарса сифатида талқин қилинади. Бу эпик мотивнинг мифологик асослари қуш патининг магик ҳусусияти ҳақидаги ҳалқ қарашларига бориб тақалади.

Зеро укки, бойғели каби қушларнинг патларини ёш болаларнинг дўпписига тақиб қўйин¹⁵, қўйкўтал бўлган болаларга кўкқарғанинг пати ивтилган сувдан ичириш, келинчакларнинг бош кийимига пат қистириш каби удумлар ҳам қуш культига ишониш ва парнинг магик хоссага эгалиги ҳақидаги иончлар асосида келиб чиққан.

Бизнингча, қуш патининг магик ҳусусияти билан боғлиқ ҳалқ қарашларини ўзида мужассамлаштирган эпик мотивларнинг генетик илдизлари анимистик тасаввурларга боғланади. Аждодларимиз одам ёки бирор жоновор ўлгач, унинг руҳи танасининг муйайн қисмларида сақлани қолади деб ўйлаганлар. Ана шу қадимий тасаввурлар асосида яратилган аниматик мифларнинг архаик шакллари «Авесто»да ҳам ўз ифодасини топган. «Бахран яшт»да тасвирланишича, Вараги номли афсонавий қушнинг пати сеҳрли ҳусусиятга эга бўлиб, кишини душманнинг жодусидан асрар, омад ва шерюраклик баҳш этар экан. Зардўшт Ахура Маздага савол бериб, «душманнинг жодусидан сеҳрланиб қолганимда, қутулмоқнинг чораси борми?» деб сўраганида у шундай жавоб беради:

«Қаноти кенг Варағи,
Күшнинг олгин патини —
Патини ол, о, Зардўшт,
Астойдил қилиб ихлос,
У билан танинг сийпаб,
Душманнинг жодусидан
Бўларсан буткул холос»¹⁶.

Варағи қушнинг пати билан танини сийпаб қўйган кишига душманнинг ҳар қандай жодуси таъсири қилмас экан. «Авесто» мифологияси талқинига кўра, кимда шу пат бўлса, омад уни сира тарк этмайди, ҳамиша иши ўнгидан келиб, жанг майдонида ҳам доимо қўли баланд келаверади. Қудратли Варағи қушнинг патигина эмас, ҳатто суюги ҳам ана шундай сеҳрли кучга эга:

Бу пат бизга хайрли,
Қудратли Варағининг,

¹⁵ Сазонова М. В. Украшения узбеков Хорезма//Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. Л., 1970, С. 125; Борозна Н. Г. Некоторые материалы об амулетах — украшениях населения Средней Азии//Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. М., 1976. С. 283—284; Васильева Г. П. Магические функции детских украшений у туркмен//Древние обряды, верования и культуры народов Средней Азии. М., 1986. С. 184.

¹⁶ Авесто. Бахран яшт (Вараҳран алқови)//Ўзбек тили ва адабиёти, 2-сон, 2000, 76-бет (М. Исҳоқов таржимаси).

Кучли қушнинг сўнгаги —
 У ҳам ҳатто сеҳрли.
 Кимга мададкор бўлса,
 Кимга омад ёр бўлса,
 Уни қўллар меҳр-ла
 Муқаддас қушнинг пати.
 Уни ўлдира олмас,
 Хеч вақт қотилу ғаддор,
 Пат кимда бўлса агар,
 Уни қатл ололмас —
 У барча ёвин енгар!¹⁷

Вараги қушнинг пати туфайли Фаридун уч бошли Заҳҳокни маглуб қилган. Чунки бундай пат соҳибига ҳеч қандай ёвуз куч дахл қилолмайди. «Гўрўғли» туркум достонларида эпик қаҳрамонга ҳомийлар томонидан ҳадя этилган сеҳрли парлар ҳам Вараги қушнинг пати сингари магик хусусиятга эга. «Авесто»даги Фаридун сеҳрли патлар кўмагида аждаҳони маҳв этгани каби Гўрўғли ҳам ўз эпик душманларини енгишда ана шу парларнинг сирли хоссиятидан фойдалана ниди.

Ўзбек халқ эртаклари ва достонларидаги сеҳрли пар деталининг эпик восита сифатида сюжет тизимидан жой олиши бевосита «Авесто» мифологиясига, аникрофи, Вараги қушнинг омадбахш патлари тўғрисидаги инончларга бориб тақалишини исботлайдиган яна битта далил бор. «Бахран яшт» алқовида айтилишича, Вараги қуш ҳамда адолат, имон қўриқчиси, қаҳрамонлик ва омад тимсоли Вараҳраннинг иккитадан сеҳрли пати мавжуд. Ана шу патлар билан танини сийлаган зотлар қудратли ва омадбахш бўладилар:

Бу иккى ҳимоятнинг,
 Асрарувчи жуфт зотнинг,
 Иккитадан пати бор,
 Ёйик кенг қашоти бор,
 Мұхтоҗни еллиб ўтар
 (Унга сифингувчини),
 Патлари селлиб ўтар,
 Аста сийпалаб ўтар¹⁸.

Кишига омад ва жанговар қудрат бағишлиовчи Вараги қушнинг ғаройиб патлари тўғрисидаги эътиқодий қарашлар дастлаб зардўштийликтан аввалги анимистик тасаввурлар асосида шаклланган бўлиб, яштлар орқали етиб келган бу қадимий мифологик инончларнинг халқимиз орасида кенг оммалашини натижасида сеҳрли пат билан боғлиқ анъанавий эпик мотивлар келиб чиққан.

¹⁷ Уша асар, 76-бет.

¹⁸ Уша асар, 77-бет.

Ҳ. Абдуллаев

«АВЕСТО» ВА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ФОЛЬКЛОРИ

Маздапарастлик динининг қомусий китоби «Авесто» бебаҳо билимлар хазинаси бўлиб, қадим бадиий ижоднинг ҳам ноёб манбаидир¹. Бу эса «Авесто» ва фольклор муаммосини теран тадқиқ этишини тақозо қиласди. «Авесто»га кирган оғзаки ижод намуналарини маздапарастлик таълимоти ривожидаги тарихий босқичларда ёрқин кўриш мумкин. Бу босқичларнинг биринчисида табнат кучлари ва кўпхудодилик ақидалари илоҳийлаширилган (Яшт, Вендинот) бўлса, иккинчи босқичида (Гоҳларда) якка худо Ахура Мазда ва унинг таълимоти ҳақидаги маълумотлар ва учинчи босқичда якка тангри учун кураш кучайган ва эзгулик таълимотининг мустаҳкамлангани хусусида баҳс этилган. Хоразм воҳаси ҳалқларининг оғзаки ижоди намуналари ана шу тарихий-фольклорий жараёнда юз берган маздапарастлик билан боғлиқ ижтимонӣ-бадиий қарапашларнинг излари турли даражада акс этади. Назаримизда, улар асосан қўйидаги йўналишларда кўпроқ на-моён бўлади: 1) Хоразм маросим фольклорида (қадим урф-одатлар, тўй-ҳашам, рақслар ва оилавий-маниший); 2) Кўшиқлар, лирик шеърлар, лапарлар таркибида мифологик инончлар, сеҳр ва рамзлар инфодасида; 3) Хоразм фольклорининг эпик жанрлари — эртак, ривоят, афсона, нақл ва достонлар тўқимасидаги муайян мотивлар, образлар ва уларнинг трансформацияси орқали кўзга ташланади. «Авесто»даги қарапашлар кўпқатламли эканлиги ҳам фольклорда акс этган. Жумладан, мифо-фантастик қатлам романтик достон ва сеҳрли эртакларда, эпик анъанавий қатлам қаҳрамонлик эпосида ва тарихий реалистик қатлам эса ҳаётий эртак ва тарихий достонларда бадиий унсурлар сифатида учрайди. Уларни ҳалқ эстетикаси тарихий шароит таъблари асосида оғзаки ижодга хос қайта ишлаб, сайдаллайди, муайян давр руҳини сингдиради, айрим қирраларини янгича қарапашлар билан бойитади. Натижада миф (асотир) ва образларнинг маҳаллий варианatlари вужудга келади. Жумладан, Ардвиссура — Анахитанинг Анбарона, Гайомарднинг Қаюмарс, Жўмард, Съяваршнинг (Сиёвушнинг) Оловхўжа каби локал варианatlари ана шу жараён натижасида пайдо бўлган.

«Авесто» ва фольклор муаммоси, назаримизда хозирги кунда икки жиҳатдан ўрганилмоқда: Биринчси, «Авесто» таркибида мифологик эпик қатлам, миф ва ривоятларнинг ўзини ўрганиш; иккинчи жиҳатдан «Авесто»даги фольклор мотивлари ва образларининг анъанавий эпосдаги, жумладан эртак, ривоят, афсона ва достонлардаги унсурлари, таъсири, трансформациясини тадқиқ қилиш;

Биринчи йўналишда «Авесто»даги Митра, Ардвиссура, Анахита, Оша, Гершасп, Қаюмарс ва бошқа образлар билан боғлиқ мифлар анча ўрганилди. Иккинчи йўналишдаги изланишлар эса энди бошланади. Бу соҳадаги тадқиқотлар ҳали илк босқичда бўлиб, чуқур илмий-

¹ Авесто. I—II жилд. Техрон. «Марварид», 1991.

назарий таҳлилга муҳтож. Бу ҳол даставвал мифологик тасаввур билан бадиий тафаккур муносабатидаги қонуниятларни аниқлашни тақозо қилади. Бошқача айтганда, мифологик субъектнинг бадиий образга, архаик рамзнинг эпик кўчимга трансформацияси жараёни диққат марказида турмоги лозим. Ривоявий жанрларда мифологик қатлам кишиларнинг қадим иончлари ва тотимистик қарашларини акс эттиради. Зеро, илк мифологик тафаккур қоришиқ ҳолда бўлиб, қабилявий эпосга асос бўлли. Бу тафаккурнинг қатор мотивлари кейинчалик достонларга ўтди, эпик ворислик юзага келди («Шахриёр», «Қырқ қиз», «Қурбонбек» достонларида). Жумладан, қаҳрамоннинг ёввойи сувуз кучлар билан олишувини ифодаловчи мифологик мотив давр ўтишиб билан ҳаётдаги реал кучларга қарши қаҳрамонона курашни акс эттирувчи сюжетга, қаҳрамоннинг ўзи эса мифологик субъектдан бадиий образга айланади.

Инсон тафаккурининг ривожланиши жараёнида мифологик қатламдаги сюжет, образ ва мотивларнинг ижтимоий-бадиий қиммати ошиб, эстетик доираси кенгая борди. Лекин мифологик магиз мудайян бадиий унсур сифатида қисман сақланиб қолди. Буни анъанавий достонларга миф, ривоят ва афсоналардаги ўтган сюжет қисмларида кўрамиз.

Ардвиссура «Авесто»даги етти тангридан бири бўлиб, у Анахита номи билан оғзаки ижодла кенг тарқалган. Анахита — бу Ардвиссуранинг доимий сифати бўлиб, табиат, сув, ҳосилдорлик ҳомийси маъноларини англатади ва Амударё кулоти билан боғлиқdir. «Авесто»да Анахита — Ардвиссурага маҳсус Яшт бағишиланган. У шахслаштириш орқали инсон қиёфасида тасаввур қилинган.

Бўлди гўзал қиз мисол
Қомати тик, улугвор
Гўё бўлган бир ниҳол
Болдирилари гирдига
Олтин боғич боғланган².

Маъбуда Анахита ҳақидаги мифнинг рационал магзи — мўл-кўлчилик фояси бўлиб, у умуминсоний моҳият касб этган.

Бу миф оғзаки анъанада кенг тарқалиб реал воқеаликка яқинлашгач, унинг магзи ижтимоий-эстетик магизига айланади ва аввало афсоналарда ёрқин акс этади. Диффузион жараён туфайли мифдаги имкониятлар афсонага ўтиб мавҳумликдан конкретликка, рамздан образлика томон интилади.

Воҳада яратилган қатор афсоналарда Анахитага хос хусусиятларнинг турлича талқин излари ҳам миф ва афсона муносабатидаги диффузион жараённинг натижаси сифатида изоҳланади. Жумладан, бу афсоналардаги воқеалар конкретглаша бориб, маъбуда образи тобора реал характер касб этиб, худо ўрнини афсонавий қаҳрамон — ин-

² Ардвиссура алқови. М. Исҳоқов таржимаси//Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2-сон. 1999. 73-бет.

сонобрази эгаллай бошлаган. Бу жиҳатдан бутун Амударё воҳасида маълум ва машҳур бўлган Анбарона ва унинг ўғли Хубби (қо-рақалпоқларда Убби) ҳақидаги афсона характеристидир.

Унда қадим замонда, Жамшид ҳукмронлигидан илгари Амударёда Хубби деган бир йигит яшагани, у ларёни ёвуз куч ва руҳлардан қўриқлаб, ҳалқни сувга маъмур қилган. бироқ Жамшид замонасига келиб, Хубби гойиб бўлгани хикоя қилинади³.

Хубби культи ҳақидаги ушбу афсона ҳам қадимги Хоразм воҳасида яшаган, каеб-кори Амударёда кемачилик қилган кишиларнинг мифологик тасаввурлари асосида юзага келган. Агар дикқат қилинса, афсонадаги Хубби образи тарихий асосларни зардӯштийликдан ҳам қадимги даврларга бориб тақалишини кўриш мумкин. Чунки унда айтилишича, афсонавий подшоҳ Жамшид («Авесто»даги Пима) таҳтга ўтиргач, Хубби ўз-ўзидан гойиб бўлади. Бу ҳол тарихий даврлар давомида культларнинг ўзгариб бориши ва алмашуви билан изоҳланади. Жумладан, ислом динининг тарқалиши муносабати билан Хубби ва у ҳақидаги ривоят ҳамда афсоналар ҳам янги шароитларга мослаштирилган, ислом мифологиясига мувофиқ талқин қилинган. Бунга VIII асрдан кейинги оғзаки ҳикоятларда Хуббининг Хоразмда «Хуббихўжा», «Эр Ҳубби», Бухорода «Ҳўжа Уббон», «Ҳўжайовон» номлар билан аталини далил бўла олади.

Хубби ва Анбарона ҳақидаги мифо-эпик афсоналар воҳа достонларида ўзларининг функционал ҳусусиятларини асосан сақлаган, аммо шаклан катор ўзгаришларга учраган ҳолда воқе бўлади. Чунончи, Шаҳриёр-Қиронхон ҳақидаги достон варианtlарининг қаҳрамонлари Шаҳриёр («Шаҳриёри олам»), Шарияр (қорақалпоқча «Шаръяр»), Шорёр («Коракўз ойим») ёр излаб ер остига — қоронгулик оламига бориши, у ердаги ёвуз маҳлуқлар билан курашиши воқеаларида Хуббининг сув ости дунёсида аранглар билан олишуви асосидаги қарашларнинг изларини яққол сезиш мумкин. Унда мифологик код «Қирқ қиз», «Болтакай ботир», «Қурбонбек» каби қаҳрамонлар ташланадиган соҳларга (қудуқ, зиндан каби) — эпик тўсиққа айланади.

Хуббининг осмон қизлари томонидан ўғирланиб кетиши ва узоқ яшави мотиви асосида эса пари қучган киши абадий яшайди деган мифологик қараш ётадики, бу мифологик код достонларга ҳам ўтиган. Шу туфайли парилик сифатларига эга бўлган Анжим ва Зуҳро («Шарияр»), Оқилжон («Қурбонбек»), Чавроной («Болтакай ботир»), Сафарёр («Қоракўз ойим») ўз акалари ва ёвларини ҳар қандай мушкулдан ҳалос қила оладилар: тош бўлган Шарияр тирилади, Қурбонбек мингdev маконидан обиҳаёт сувини қўлга киритади, Фарруҳнинг кесилган оёғи ўз ўрнига келади ва ҳоказо.

Анбаронанинг минг йил умр кўриши, аёл зотининг ҳомийси бўлиши парилар абадийлиги билан боғлиқ ибтидоий қарашларнинг кейинги даврлардаги трансформацияси бўлиб, бу ҳол эпосда анча ўзгарган шаклда учрайди. «Қирқ қиз», «Жондил», «Шаҳриёри олам» дос-

³ Фуломов Я. Хоразмнинг сугорилиш тарихи. Тошкент, 1957. 61-бет.

тонларидаги қаҳрамонларнинг оналари характерида унинг муайян изларини (гарчи хира бўлса ҳам) кўриш мумкин. Бошқача айтганда, мифологик субъект сифатида пайдо бўлган Анбарона ҳалқ эпосида инсон абдийлиги ҳомийсига айланади. Шунингдек, Хубби ва Аибаронанинг ҳаракатсизлиги (парилар томонидан ўғирланиши) эпосда ўзига хос акс этади, Масалан, Шаҳриёрнинг тошга айланниши, Қалдироғчнинг («Жондиг») дев томонидан банди қилиниши, Бўтакўзининг («Соҳибқирон»), қувилиши. Қурбонбекнинг уйқуга кетиши каби эпизодлар шунга далиллар.

Қадимги Хоразм мифологиясида кенг тарқалган афсонавий қаҳрамонлар образлардан бири Сиёвушлар.

Сиёвуш қора отга мингтан чавандоз (бу одатда, Ангхрамайну—Ахриман белгиси, тимсоли ҳисобланади), улкан аланга устидан ўтиши эса уни ер остидаги ўтга топинувчиларга мансуб қилиб кўрсатади. Янги милоддан аввалги I аср— янги милодий VIII аср орасида даврга оид Хоразм тангларидаги Сиёвуш чавандоз ва худо образида кўп тасвирлангани ҳам бежиз эмас⁴.

Афсонавий Сиёвуш ва тулпорлар ҳақидаги мифлар воҳада қатор афсоналарни яратилишига, уларда Сиёвушга хос баъзи хусусиятларнинг акс этишига туртки бўлди. Шулардан бири қадимги Хоразмнинг пойттахи кўхна Урганч харобалари ёнидаги авлиё Оловхўжа мозори ҳақидаги афсонадир. Афсонага кўра, гайритабии фазилаглар соҳиби бўлмиш бир авлиё киши рақиби билан баҳсада ўзини кўрсатмоқчи бўлгани учун қаттиқ синовга дучор қилинибди, қирқ арава саксовула ўт кўйили, у олов ўртасига ташланибди. Олов ўчиб бўлгач, авлиё тирик қолибди, бирор жойи ҳам лат емабди. Бу билан у ўзининг маънавий қудратини намойиш этибди. Бунда олов синови диққатни ўзига жалб қиласди. «Шоҳнома»да тасвирланганидек, Сиёвуш ҳам ўтай онаси Судобага ўзининг поклигини исботлаш учун шундай синовдан ўтган эди.

Афсона ва «Шоҳнома»даги типологик ўхшашлик тасодифий бўлмай, балки Сиёвушнинг олов ва чавандозлик билан боғлиқ культи Хоразмда исломгача кенг тарқалганини кўрсатади. Қадимдан воҳада оловнинг муқаддас ҳисобланаб, оташкадада сақланганлигининг гувоҳи бўлган Жонбос қалъа топилмалари ҳам афсона мазмуни антик дунё-қарашнинг ифодаси эканини исботлайди.

Афсона хусусида яна шуни айтиш мумкинки, бизнингча, унинг сюжети оғзаки анъанада анча ўзгаришларга учраган кўринади. Тахминимизча, олов синовини писанд қилмаган матонат эгаси юксак идеал учун курашган машхур шахс (балки Сиёвушлар) ёки маҳаллий қаҳрамонларидан бири бўлган⁵.

Олов синови қадимги миф ва афсоналардан эртак ва достонларга ҳам ўтиб; одатда, бош қаҳрамон матонати, иродаси ва бардошичи ифодаловчи воситалардан бири сифатида кўрсатилади.

⁴ Толстов С. П. По следам древнехорезмийской цивилизации. М., Л.: Изд. АН, 1948. С. 86.

⁵ Абдуллаев Х. Эпос ва ижтимоий воқеълар. Тошкент, 1987. 30-бет.

Юқоридаги мулоҳазалар «Авесто» ва фольклор муаммосига оид дастлабки кузатишлар бўлиб, янада чуқурроқ ўрганиши, тарихий-қиёсий ва тарихий-генетик ёндашувни талаб этади.

M. Исомиддинов

ИЛК ЗАРДУШТИЙЛИК ДАВРИ ВА САМАРҚАНД

Зардӯштийлик инсоният яратган энг қадимги ва энг йирик динлардан бири ҳисобланади ва бу динни бизнинг ҳудудимизда яратилган «энг дастлабки цивилизацияларнинг нишонаси» десак хато қилмаган бўламиз. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган мақоласидан Ўзбекистон деб аталадиган ҳудуд, яъни бизнинг ватанимиз пафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда дейди¹.

Бу динни жуда қадимийлиги учун ҳам уни яратилган юрти, даври тўғрисидаги маълумотлар ҳатто шу динга эътиқод қўлувчиларнинг ўзларини ҳам хотирасидан чиқиб кетган. Шунинг учун ҳам уни ўрганиш бошига динларни ўрганишга қараганда анча мураккабдир. Зардӯштийлик ўша ўзининг жуда қадимги замонларда пайдо бўлганлигига карамай у тарғиб қилган ғоялар, инсоният учун, ерадаги ҳаёт учун ниҳоятда прогрессив ва гуманизм ғоялари билан суборилтганилиги туфайли бу ғояларнинг жуда кўпчилиги жаҳоннинг энг йирик динлари – иудаизм, христианлик, буддизм ва ислом каби динлар томонидан қабул қилинган, ҳамда уларнинг ичига сийгиб кетган.

Зардӯштийлик қадимийлиги, ундаги ғояларнинг аҳамиятини катталиги учун ҳам олимлар томонидан қизиқиб ўрганиш анча эрта бошланган ва ҳозирги кунгача бу изланишлар қизғин мунозаралар билан давом этмоқда.

Зардӯштийликнинг келиб чиқиши тўғрисида жуда кўпчилик олимлар ўз фикрларини билдиришиб, уларнинг энг машҳурларидан бири Мери Бойс «энг дастлабки зардӯштийлик тўғрисида маълумотлар ёзилиши бошланганда бу диннинг ўзи қарип қолган эди» дейди². Ёки зардӯштийлик динида шундай анъаналар ўз аксини топганки, улар ўзининг илдизлари билан жуда қадим замонларга, ҳатто бронза даври анъаналарига бориб тақалишини айтади. Унинг фикрича, илк зардӯштийлар дастлаб чорвадорлар бўлишиб, Волга дарёсидан шарқдаги кенг яйловларда кўчиб юришган. Месопотамиядан ёғочдан ясалган ва хўқизларни қўшиб юриладиган араваларни олишган. Кейинроқ эса отлар қўшиб бошқарилган ҳарбий аравалар ихтиро қилинган. Бунинг учун чорвадорлар ёввойи отларни тутишиб уларни қўлга ўргатишади. «Авесто» гимнларида жумладан, худо даражасига кўтарилган жонзорлар ўзининг ҳарбий қуроллари билан ҳимояланган аравалардаги ҳарбийлардай жанг қилишди.

¹ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Мулоқот» журнали, 1998, 5-сон, 1—16-бетлар.

² Мери Бойс. Верования и обычай. М.: «Наука», 1987. С. 6.

Мери Бойснинг фикрига кўра, айнан шу даврда, яъни жаҳонда ҳамма нарсани қонун эмас, балки зўрлик, зўравонлик бошқарган бир пайтда пайғамбар Зиратуштра яшаган дейди³.

Зардўштийликни илк ватани тўғрисида сўз кетганда ҳам олимларни фикрлари бир-бирларидан мутлақо қарама-қарши томонларга ажраб кетади. Жумладан, «Авесто»нинг Гат қисмида янги таълимотнинг тарқатувчиси пайғамбар Зардўшти ўзининг ватанида тан олишмайди ва у Виштаспа мамлакатида унинг таълимотини тан олишгани тўғрисида фикр юритилади. Айни ўша Виштаспа ҳукмронлик қилиган мамлакат зардўштийлик динини ҳимоя қиласди.

Бир гуруҳ олимлар Зардўшт яшаган замон «аҳамонийлар империясининг шоҳларидан бири Дарий I замонига тўғри келади» дейишади⁴.

Айнан Зардўшт яшаган давр тўғрисида кўплаб фикрлар билдирилиб, уларнинг бирида «Зардўшт Александр Македонскийдан 258 йил илгари яшаган» дейилади. Лекин бу фикр ҳам мустаҳкам асосга эга эмас. Чунки, дастлабки сосонийлар даврида ёз зардўштийликнинг ватани ва унинг қадимги хронологияси тўғрисидаги тасаввурлар йўқ бўлиб кетган эди. Ҳатто милоддан илгариги V асрда яшаган Қсанф Лидянин Зардўшти дастлабки аҳамонийлардан б минг йил аввал яшаган» дейди⁵.

Яна бошқа бир тиљшунос олим В. И. Абаев «Авесто»нинг Гатларини таҳлил қилиб, «Гатлар ва Авестонинг айрим қисмлари Шарқий Эронда, Урга Осиё билан скиф-сак дунёсининг чегара ҳудудларида ёки ўтроқ дехқончилик қилиб кун кўрган аҳоли яшаган ҳудуд билан чорвачилик қилиб кун кўрадиган аҳоли ўртасида яратилган» деб айтади⁶.

Жуда кўпчилик олимлар ўша зардўштийлик вужудга келган ҳудудлар тўғрисида фикрларни билдиришиб, уларнинг аксарият қисми Е. В. Струве, Е. Э. Бертельс, М. М. Дьяконов, И. М. Дьяконов, В. И. Абаев, И. Алпев, Б. Г. Фафуров, Э. А. Грантовский, Х. Ниуберг, Б. Виденгрен, Р. Фрай кабилар зардўштийликни Шарқий Эрон ва Урга Осиёнини жуда катта ҳудудларида вужудга келган дейишади.

Аммо, зардўштийлик дини вужудга келган аниқ юрт тўғрисида гап кетганда жуда кўпчиликнинг фикрлари турлича чиқади. Жумладан, Х. Ниуберг Гатларни «Сўғдиёна ҳудудларида, ёки унинг қўшиларида вужудга келган бўлиши мумкин» деса, Г. Виденгрен «Орол

³ Мери Бойс. Верования.. С. 6—9.

⁴ Грантовский Э. А. Маги. Историческая энциклопедия. Т. 8. М., 1965. С. 885; J. Mertel. Die Zeit Zoroasters—«Indo-Iranische Quellen und Forschungen». T. 1: Lpz., 1921. С. 5; Konig F. W. Der falsche Bardija, Dareios der Grosse und die Lugenkonige. Wien, 1938. с. 237; E. Herzfeld. Zoroaster and His World. Princeton, 1947. С. 1; Henning W. B. Zoroaster: Polician or Witch-Doktor? С. 41; Дорофеевко Е. А. Зороастрийцы в Иране (Историко-этнографический очерк). М., 1972.

⁵ Ричард Фрай. Наследие Ирана. М., 1972.

⁶ Абаев В. И. Скифский быт и реформа Зороастра.—«Archiv orientalnii». Praha, 1956, XXIV. т. I. С. 26.

денизи атрофларида вужудга келган бўлиши мумкин» дейди. Ж. Дюшен-Гийемен уни «Марғиёнада, Сўғдда ва Хоразмда вужудга келган бўлиши мумкин» дейди⁷.

Бунчалик мураккаб чигал ва бир-бирига қарама-қарши фикрларни тўғри йўналишга солинча бизнинг назаримизда машҳур шарқшуносслим, айнан «Авесто» даври бўйича йирик мутахассис И. М. Дъяконовнинг бир фикрини шу ерда келтиришини лозим топдик. Унинг фикрича, «Зардўшт милоддан аввали VII асрдан кеч бўлмаган даврда яшаган». У ўзининг бу фикрларини тасдиқлаш учун қўйидаги далилларни келтиради. Унинг фикрича, «Авесто»ни аҳамонийлар даврида яратилганлиги тўғрисида бирорта ҳам далил йўқ. Жумладан, аҳамонийлар империясининг гарбий ҳудудларига кирган Греция, Миср, Месопотамия, Кичик Осиё каби қатор мамлакатлар борки, уларнинг биронтасини ҳам номи «Авесто»да учрамайди.

Унинг фикрича, «Авесто»нинг энг қадимги қисми Гатлар милоддан илгарига IX—VIII асрларда Шарқий Мидияда ёки кўпроқ Ўрта Осиёда — Хоразмда ёки Бақтрияда вужудга келган бўлиши мумкин. «Авесто»нинг тилини ҳам Шарқий Эрон ёки Ўрта Осиё ҳудудларига тили билан боғлаш мумкин» дейди⁸.

И. М. Дъяконов билдирган фикрлар ичida бизга мұхими шуки, унга кўра «Авесто»нинг Гатлар қисми ниҳоятда архаик ҳолатдадир. Бу асар яратилган замонда ҳали йирик давлат структуралари, шаҳарлар ва пул муносабатлари бўлмаганлигини ёзади. Ҳатто ҳунарманчичилик маҳсулотлари — күлолчичлик чархида ясалган бўюмлари йўқлигини, лекин хумдои бўлганлиги ва темир пайдо бўлганлиги тўғрисида ёзади⁹.

Демак, шу пайтгача олиб борилган изланишларни тўлиқ таҳлил қиласиган бўлсақ, кўпчилик олимларни илк зардўштийликни вужудга келган ҳудуди тўғрисидаги дастлабки фикрлари гарбий Эрон ҳудудлари бўлса, кейинроқ Озарбайжон атрофлари тўғрисидаги тахминлар ҳам чиқсан. Ҳозирда бу ҳудудлар бутунлай унуптилиб, кўпроқ Ўрта Осиё билан Эроннинг ўрталаридағи ҳудудларда илк зардўштийлик пайдо бўлганлиги тўғрисидаги фикрлар айтилмоқда¹⁰. Айниқса, кейинги ўн йил мобайнида бу ҳудуд ҳам анча кичрайиб кўпроқ Зарафшон дарёси, ёки Амударё ҳавzasida вужудга келган деган фикр устунлик қилмоқда.

Илк зардўштийлик яратилган юрт тўғрисидаги фикрлар бу бўльса, уни яратилган вақти тўғрисидаги фикрлар ҳам жуда кўп бўлиб, уларнинг умумий ривожи ўша қадимги бронза давридан тортиб Эрондаги аҳамонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган давргача бўлган даврни қамраб олади.

⁷ История таджикского народа. Т. I. M., 1963. С. 170—171.

⁸ Дъяконов И. М. Восточный Иран до Кира (к возможности новой постановки вопроса). История иранского государства и культуры. К 2500-летию Иранского государства. М.: 1971. С. 138—140.

⁹ Дъяконов И. М. Восточный Иран.. С. 138—140.

¹⁰ Муаммонинг анча тўлиқ библиографиясини қўйидаги адабийдада кўринг: Яелков Л. А. Авеста в современной науке. М.: 1992. С. 362.

Илк зардўштийлик бронза даврида пайдо бўлганлиги тўғрисидаги фикрни инкор қиласидаги далилни топиш қийин бўлса-да, у «аҳамонийлар сулоласи даврида вужудга келган» деган тезисни ўша «Авесто»нинг ўзида аҳамонийлар империясига кирган бирон-бир Қичик Осиёдаги, Мисрдаги ёки Месопотамиядаги жой номларини йўқлиги, уни анча илгарироқ вужудга келганлигидан далолат бериб турибди.

Шундан кўриниб турибдики, айтилган фикрлар ичидаги И. М. Дъяконовнинг илк зардўштийлик яратилган жамият тўғрисидаги фикрлари анча ҳақиқатта яқинлигидан далолат беради.

И. М. Дъяконов айтган жамият қандай жамият бўлди? Унинг ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлса, лекин аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган бўлса, шаҳарлар ва давлатлар бўлмаган бўлса, бу юрт, бу жамият қаерда ва қачон бўлган? Уша жамиятни ва ўша юртни биз қайси ёдгорликларда кўришимиз мумкин?

Биз «Авесто»ни ўқиб шу нарсага амин бўламизки, «Авесто» ва илк зардўштийлик яратилган юрт тоғларга яқин бўлган, чунки тоғлардан шарқираб оқсан, зилол суви бор, ҳосилдор ерлар, кўплаб яйловлари ва чорва моллари бор юрт тўғрисидаги ёзади. Бизнинг фикримизча, бундай ўлка кўпроқ Сўғдиёна бўлиши ва унинг илк темир даври тарихи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кейинги йилларда эйнан қадимги Сўғдиёнинг илк темир даврига оид бир нечта йирик тураржой маконлари топилдики, уларнинг қуи қатламларини жамиятининг ривожланиш даражасига айнан И. М. Дъяконов айтган жамиятнинг ривожланиш даражасига тўғри келади. Бу ёдгорликлар Самарқанд воҳасидага Кўктепа ва Афросиёбнинг қуи қатламлари, Кеш воҳасида Сангирапепаннинг қуи қатламлари Қарши воҳасида эса Еркўргоннинг қуи қатламларига тўғри келади¹¹.

Юқорида салаб ўтилган ёдгорликларнинг қуи қатламларида И. М. Дъяконов айтганидай шаҳар структуралари умуман бўлмаган. Давлат тўғрисидэ, айниқса, йирик давлатлар тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Қулоччилик буюмларининг деярли 99 фойзи қўлда тайёрланган. Юқорида айтилганидай, ҳозирча хумдоннинг ўзи топилмаган бўлса ҳам, Кўктепанинг илк темир даври қатламларидан кулоччилик хумдонидан қолган шлакларнинг топилганини бу даврда Сўғдиёнада ҳақиқатдан ҳам хумдонлар бўлганлигидан далолат беради¹².

¹¹ Исамиддинов М. Х. Генезис городской культуры Самаркандинского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в периоды раннежелезного века и античности). Автореф. дисс... на соиск. уч. ст. док. ист. наук. Самарканд, 2000. С. 10—17; Исамиддинов М., Рапен К. К стратиграфии городища Коктепа// ИМКУ. Вып. 30. Самарканд, 1999. С. 68—79.

¹² Исамиддинов М. Х., Хасанов М. Х. История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба. Ташкент: Изд-во народного наследия им. А. Кадыра. 2000; Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб. Ташкент: Фан, 2000; Лушпенко О. Н. Раннежелезный век Южного Согда (по материалам памятников Китабского и Яккабагского районов) Автореф. дисс... из соиск. уч. ст. к. и. н. Самарканд, 1998.

Бу туаржой маконларининг кўп қатламларида ҳақиқатдан ҳам жамиятнинг ривожи анча паст даражада. Унда асосий аҳоли ертўла ва ярим ертўлаларда яшашади. Лекин кундалик ҳаётлари деҳқончилик ва чорвачилик туфайли ўтади. Шу билан бирга бу ёдгорликларнинг қўйи қатламларида ҳали йирик идеологик марказлар — ибодатхоналарни қуриш одатга айланмаган. Шаҳарнинг энг муҳим белгиси шаҳар ҳокимининг қалъаси ажрамаган, йирик мудофаа деворлари ўйқ.

Бизнинг фикримизча, юқорида санаб ўтган ёдгорликларнинг қўйи қатламларида яшаган аҳолининг турмуш даражаси, жамиятнинг ривожи айна И. М. Дъяконов таҳмин қилган жамиятнинг тараққиётiga тўғри келади. Бу давр ёдгорликларини археологлар илк темир даврида Ўрта Осиёнинг асосий воҳаларида тарқалган деҳқончилик маданияти билан боғлашади.

Яқинда И. В. Пъянков ҳам илк зардўшийлик яратилган юрт ва вақт тўғрисида ўз фикричи билдириб, унга анча аниқлик киритишга муваффақ бўлган¹³.

Унинг таъкидлашича «Зардўшт Дарджа бўйидаги Порушаспа уйнда туғилган. «Авесто» тилидаги drajaḥ «узун» маъносида, яъни шу тилдаги дагода ҳам «узун». И. В. Пъянковнинг фикрича, Дарджа билан Дарғом сўзлари ўртасида лингвистик алоқа борлигини кўриш мумкин¹⁴. Унинг фикрига кўра, пайғамбар Зардўшт Самарқандда Дарғом каналини бўйида Порушаспа хонадонида туғилган. Албатта бироз кейинроқ Клавдий Птоломей ҳам Дарғоман канали, унинг этагида Мараканда шаҳри борлиги тўғрисида хабар беради¹⁵.

Маълумки, пайғамбар Зардўштга Оллоҳдан ваҳий келиб ўзининг яқинларига янги динни тарғиб қўлганда унинг ҳамюртлари уни қабул қилишмайди. Шунда Зардўштнинг саёҳати бошлиғини ва қўшни Бақтариининг подшоси Виштаси саройида унинг яғиги дини қабул қилинади.

И. В. Пъянков пайғамбар Зардўштни Самарқанддан чиқиб Виштаси қароргоҳига боргунга қадар юрган йўлини ўрганиб қатор дарёлар ва жой номларини аниқлайди. Улардан бири Айватақ дарёси бўлиб, уни Навтак шаҳрини дарёси билан боғлади. Яъни Қашқадарёнинг юқори оқими шундай номланган бўлиши мумкин. Кундуз дарёси воҳасидаги Парган, Тоджан (Теджон) дарёси, Нараӣ ва Миан (ҳозирги Маймана). Дати дарёси (Амударё)нинг қўйи оқимларигача ва бошка кўплаб жойларни номини айтиш мумкин¹⁶.

Шундай қилиб, пайғамбар Зороастр туғилиб ўсган юрти Самарқанд ва унинг атрофи бўладиган бўлса, у ўзининг динини бутун ҳаёти

¹³ Пъянков И. В. Зороастр в истории Средней Азии: проблема места и времени (Опыт исторической реконструкции), ВДИ, 1996, № 3. С. 3—23.

¹⁴ Пъянков И. В. Зороастр в истории... С. 10.

¹⁵ Ronca I. Ptolemaios. Seodgarье. 6, 9—21. Ostiran und Centralasien. I. Rom. 1971. Tabl. I.; Пъянков И. В. Марақанды//ВДИ. 1970, № 1. С. 37, 38; Гумбах Г. Птолемей и Центральная Азия в кушанскую эпоху/Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. II. М., 1975. С. 72.

¹⁶ Пъянков И. В. Зороастр в истории... С. 10.

давомида тарғиб қилган ҳудудлар Жанубий Сўфд, Бақтрия, Марғиёна, (балким Фарғонада ҳам тарғиб қилган бўлиши мумкин) ўлкалардир.

Айнан шу ўлкаларда илк темир даврида деҳқончилик жамоалари нинг тураржой маконларини тарқалганини кўрамиз. Бу ҳудудларни моддий маданиятини ўрганган археологлар Марғиёна — Бақтрия ва Сўфдни битта ирқий-маданий бирликка кирганлиги тўғрисида ёзишган¹⁷. Пайғамбар Зардўшт ҳар ҳолда маълум бир ўзини тилини тушунинг янги таълимотини тарғиб қилгани кўриниб турибди. Бу географик ҳудуд шимолда Зарабшон водийси ва Амударёнинг қуви қисми (Хоразм), гарбда Теджэн дарёси, жанубда Сенистон, шарқда Амударёнинг юқори оқими ва Фарғона водийси бўлиши мумкин.

Айнан шу ўлкаларда милоддан аввали X—VIII асрларда деҳқончилик маданияти тарқалган ва айнан шу маданият кейинроқ дастлабки урбанизация жараёнларига асос бўлди.

Илк зардўштийликнинг айнан шу ҳудудларда вужудга келиб кейин бошقا ерларга тарқалганилиги туфайли ҳам ўша ерларда дастлабки шаҳарлар пайдо бўлган даврда ёки юқори қилиб кўтарилган платформаларнинг устида дастлабки ибодатхоналарни вужудга келганигини кўрамиз. Бундай ибодатхоналарни Кўкепада, Ерқўронда, Сангирапада кўриш мумкин. Айниқса, Ерқўронда милоддан аввали III—II асрларда қўмиб ташланган даҳма ҳам бу ҳудуддаги зардўштийликнинг пайдо бўлганига жуда кўп йиллар бўлганинидан далолат беради¹⁸.

Зардўштийликнинг вужудга келиши ўша давр жамияти учун жуда катта прогрессив аҳамиятга эга бўлди ва дастлабки шаҳарларни вужудга келишида, илк давлатларни шаклланишида халқларни бирлаштирувчи куч бўлиб хизмат қилди.

Ҳажми жиҳатидан бу кичкина хабарда илк зардўштийликнинг ватани, вақти ва унинг жамияти каби мураккаб барча муаммоларни албатта қамраб бўлмайди. Шунга қарамай зардўштийликда кўрсатилиган, қайд қилинган анъаналарни, ўша жамият аксини, юқорида биз келтирган ёдгорликларда намоён бўлганигини кўриш мумкин.

¹⁷ Бу маданиятлар тўғрисидаги умумий маълумотларни қўйидаги китоблардан олиш мумкин: Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии М., 1985. С. 178—203; Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы//МИА. 73. М.: Наука, 1959. С. 250; Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганды//МИД. 118. 1962. С. 327; Его же. Ошское поселение. К истории Ферганды в эпоху поздней бронзы. Бишкек. 1997. С. 172; Сагдуллаев А. С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика). Автореф. дисс., на соиск. уч. ст. докт. ист. наук. М., 1989. С. 45; Аскаров А. А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа. Ташкент; Фан, 1979; Исамиддинов М. Х. Генезис городской культуры....

¹⁸ Сулейманов Р. Х. Культура Нахшаба... С. 115—120.

Тарихчи кутубхонасига

ДОНО ЗИЕЕВАНИНГ «ТУРҚИСТОН МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ» (МУСТАБИД ТУЗУМГА ҚАРШИ 1916 ЙИЛ ВА 1918—1924 ЙИЛЛАРДАГИ ҲАЛҚ КУРАШЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ) МОНОГРАФИЯСИ ҲАҚИДА

Маълумки, совет тарихшунослигига ўтмишнинг ўзбек ҳалқига руҳий куч-қувват, миллий түрур ва ифтихор бахш этадиган жуда кўп воқеликлари бузиб кўрсатилди, тарихийликка зид равишда талқин қилинди. Узбекистон тарихининг ана шундай бузиб кўрсатилган ва гайрирмий асосда ёритилган муаммоларидан бири — бу ҳалқ эрки ва озодлиги учун олиб борган қурашлар тарихи эди. Д. Зиёеванинг Турқистон ҳалқларининг Россия пойштолиги мустамлакалигига қарши кўтарган 1916 йил қўзғолони ва совет ҳокимиятига қарши 1918—1924 йилларда олиб борган қурашининг манбашунослик ва тарихшунослик масалаларига бағишлиланган йирик илмий монографияси ана шу тарихий ҳақиқатни илмий асосда тиклаш йўлидаги дастлабки қадамдир дейиш мумкин. Монографиянинг кириш қисмida муаллиф таъкидлаганидек, мустабид тузумга қарши ҳалқ қурашларӣ совет тарихшунослигига коммунистик мафкура тазиيқи остида, фақат синфиий қураш ғоялари асосида, реал тарихий воқеликка зид равишда бузиб, нотўғри талқин этилганлиги туфайли фанда ушбу муаммони ҳақиқий ва холисона тарзда таҳлил этишга катта зарурият ва эҳтиёж туғилган. Шу сабабли Туркистондаги 1916 йил қўзғолони ва 1918—1924 йиллардаги совет ҳокимиятига қарши қурашлар тарихини хорижда, совет тарихшунослигига ва мустақиллик йилларида ўрганилиши даражасини қиёсий ва таңқидий таҳлил этиш, мазкур муаммоларни манбашунослик ва тарихшунослик нуқтаи назаридан янгича услубий, назарий, илмий ёндошуввлар асосида ўрганиш монографиянинг мақсади ва вазифалари сифатида белгилаб олинган.

Монографиянинг «Туркистонда миллий озодлик ҳаракати замондошлар гувоҳлигига» деб номланган I бобида 1916 йил қўзғолони ва 1918—1924 йиллардаги ҳалқ қурашига доир манбалар таҳлил қилинади. Маълумотлар ким томонидан ва қандай мақсадларда билдирилганлигига қараб, улар қуйидаги гуруҳларга бўлиб, таҳлил этилган: қўзғолончиларнинг фикр-мулоҳазалари ва қарашлари, Россия зиёлилари ва сиёсий доира вакилларининг фикрлари, мустабид ҳукумат ва маъмурият вакилларининг қарашлари, алоҳида шахсларийг фикр-мулоҳазалари, ўша даврдаги матбуот материаллари, ҳукумат таркибидаги маҳаллий ҳалқ ва ҳукмрон рус миллатига мансуб раҳбарларининг қарашлари. Бу маълумотлар манбашунослик нуқтай назаридан қиёсий ва таңқидий равишда таҳлил этилган.

Пировардида, муаллиф 1916 йил қўзғолони Россия мустамлакалигига қарши қаратилган, Россия ҳукмронлигидан озод бўлиш мақса-

данин кўзлаган ҳаракат эканлигини воқеа замондошларининг эътирофлари асосида исботлаб берган. Худди шундай асосда Ҷ. Зиёева 1918—1924 йилларда содир бўлган воқеалар, «босмачилик» эмас, балки Туркестон халқларининг ўлкада мустабид совет ҳокимияти олиб борган мустамлакачилик, зўравонлик, талончилик фаолиятига қарши қаратилган адолатли, умумхалқ кураши бўлгандигини ва у аҳолининг барча қатламларини қамраб олган тарихни фактлар билан асослаб бериади.

«Миллий озодлик ҳаракатлари ҳақидаги совет тарихшунослиги концепцияси» деб атталган II бобда совет тарихшунослигининг 1916 йил қўзғолони ва 1918—1924 йиллардаги халқ курашлари ҳақидаги хуносаллари таҳлил этилади. Маълум бўлишича 20-йилларнинг бошида мазкур мавзууда чоп этилган адабиётларда синфий ёндашув эмас, балки воқеаликка ҳаққоний ёндашув устун бўлган ва бу воқеалар ҳақида муҳим маълумотлар чоп этилган. 1916 йил қўзғолонини тез орада бу воқеаларни бузуб кўрсатишга уринишлар бошланган ва масалага бундай ёндашув 30—50-йилларда тарих фанида зўрлик билан қарор топтирилган. Мазкур бобда Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатлари тарихининг бузуб кўрсатилишида ҳукмрон мафкурунинг тазиқи, унга қарши чиқишиларнинг зўрлик билан бостирилиши, сохта қарашларнинг манбавий асослари пуччлиги атрофлича ёритилиб берилган.

«Туркистонда мустабид тузумга қарши кураш масалалари хорижий тадқиқотларда» деб номланган III бобда 1916 йил қўзғолони ва 1918—1924 йиллардаги халқ кураши мавзуга доир хорижда чоп этилган кўп сонли адабиётлар, уларнинг манбавий асослари таҳлил қилинади. Муаллиф хорижий тарихшуносликда мазкур муаммо ҳақидаги илмий қарашларнинг шаклланиси ва уни ривожлантиришда Мустафо Чўқаев, Заки Валидий Тўғон, Абдулла Ражаб Бойсун, Боймирза Хайит каби Туркестон муҳожирларининг тутган ўрни ҳамда АҚШ, Канада, Англия, Франция, Германия ва Туркиядаги илмий марказларнинг ролини даврий изчилликда таҳлил этади. Хорижий тарихшуносликнинг бу масалани ўрганишдаги илмий натижалари, ютуқлари ва камчиликларига ишлаб чиқишина баҳо беради.

Монографиянинг «Ўзбекистонда мустақиллик давридаги янтича ёндашувлар ва ишлаб чиқиши» деб атталган сўнгги, IV бобида истиқлол туфайли ҳар қандай мафкуравий, сиёсий тазийқларга барҳам берилиб, улкан ва бой маънавий меросни, ҳаққоний тарихни ўрганиш, уни тиклаш учун кенг йўл очилганлиги таъкидланади. 1916 йил қўзғолони бўйича Ватан тарихшунослигидаги сўнгги муваффақиятлар таҳлил қилинади, янтича қарашлар баён қилинади. Шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини кутаётган қатор масалалари, хусусан, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари бўйича воқеаликнинг атрофлича таҳлили, қўзғолоннинг умумхалқ характеристики, миллий озодлик йўналишини кенгроқ очиб бериш, 1916 йил қўзғолони тарихига бағишлиланган манбалар тўпламиини нашр этиш, жаҳон тарихшунослигидаги мавзуга доир фикр ва мулоҳазалар билан чуқуроқ танишиш, 1916 йил қўзғолонидаги жадидларнинг, аёлларнинг роли каби масалалар атрофлича ўрганилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилади.

Шунингдек, мазкур бобда мустақиллик шароитида совет тарихшунослиги «босмачилик» деб қораланган воқеаларнинг ҳаққоний талқинин яратиш борасида қўлга киритилган илк натижалар таҳлил этилади, чунончи, ҳаракат сардорлари, йирик қўрбошилар фаолияти, кураш босқичлари, сабаблари, ҳарбий, ташкилий масалалар, кураш мақсадлари ҳақидаги маълумотлар аниқланганлиги, хорижий тарихшунослик билан танишиш йўлга қўйилганлиги аниқ нашрлар таҳлили мисолида кўрсатиб берилади.

Бу ҳаракатга нисбатан ноҳақ ёпиштирилган «босмачилик» атамаси ўрнига тарих фанида ҳақли равишда «истиқолчилик ҳаракати» атамаси қарор топаётгандиги, бу ҳақдаги муносаралар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади.

Монографиянинг хулоса қисмида муаллиф Туркистондаги 1916 йил қўзғолони ва 1918—1924 йиллардаги ҳалқ кураши мустамлакачилик сиёсатига, зулмiga ва ҳукмронлигини қарши қаратилган миллий озодлик ва умумхалқ ҳаракати бўлганлигини алоҳида таъкидлайди, бу курашларни мустақил давлатчиликни тиклаш йўлидаги жiddий уриниш бўлганлигини эътироф этиб, бу курашини уюштиришда жадидларнинг роли ва хизматлари катта бўлганлигини, мустабид давлатларнинг ҳарбий устұнлиги ва қирғин сиёсати туфайли бостирилганлигини алоҳида қайд этади.

Ушбу монография Туркистонда 1916 йил ҳалқ қўзғолони ва 1918—1924 йиллардаги ҳалқ курашини манбашунослик ва тарихшунослик нуқтаи назаридан, муаммога янгича услубий, назарий илмий ёндашув асосида комплекс тарзда ўрганиш учун бўлган дастлабки уриниш маҳсулси сифатида аҳамиятлайдир. Монографияда муаммога оид манбаларни кимга ёки қайси даврга тегишли эканлигига ва уларнинг илмий аҳамиятига қараб танқидий таҳлил ва тасниф қилиниши ҳам эътиборга лойиқ. Ушбу ишда совет, хориж ва мустақилликдан сўнг Ватан тарихшунослигига мавжуд бўлган мазкур муаммога доир ғоят катта ҳажмдаги адабиётлар мазмунига, қандай манбалар асосида ва қанақа вазиятда яратилганлигига кўра танқидий ва қиёсий таҳлил қилинганлигини, шунингдек, хорижда чоп этилган адабиётларга илк бор холисона муносабат билдирилиб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари муносиб баҳолангандигини тадқиқотнинг муҳим илмий ютуғи бўлиб, уни илгариги тор ёндашувлар асосида яратилган адабиётлардан катта фарқини белгилаб берган.

Муаллифнинг хулосалари илмий жиҳатдан асосланган бўлиб, мутахассисларда эътиroz туғдирмайди.

Ушбу илмий тадқиқот олиманинг Узбекистон Мустақиллигининг 10 йиллик юбилейига муносиб бўлиши шубҳасиз.

Ш. Пиримқулов

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, бахслар

АҚАДЕМИК ЯХЕ ГУЛОМОВ НОМИДАГИ «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ» РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ СЕМИНАРИ ЙИГИЛИШЛАРИ ҲАҚИДА АҲБОРОТ

2001 йил январь-июн ойларида академик Яхе Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг Ўзбекистон Республикаси мустақалигигине 10 ўйлишга багишланган бир қатор йигилишилари бўлиб ўтди. Қўйида ушбу илмий анжуманлар ҳақидаги аҳборотни баён қиласиз.

Академик Яхе Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари ва принциплари» мавзусидаги нафбатдаги 11-йигилиши 2001 йил 23 февралда Тошкент Давлат юридики институтидаги бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон тарихчилари жамияти, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан етакчи олимлар жами 100 га яқин киши қатнашилар.

Илмий семинар Тошкент Давлат юридики институти ректори, ю. ф. д., проф. Ҳалим Бобоевинче таборик сўзи билан очиқ деб эълон қилинди. Семинар дастурига асосан «Ўзбек давлатчилиги тарихининг даврлаштириши масаласига oid» мавзусида биринчи маърузга ЎзР ФА академиги Э. В. Ртвеладзе, «Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимиги бошқарув тизимининг шакллананиши ва ижтимоий омили» мавзусида, т. ф. д. А. Садулаев, «Ўзбекистон давлатининг конституциявий ҳуқуқий асослари» мавзусида ю. ф. д., проф. А. Т. Тўлагановларнинг маърузалари тингланоди.

А. Садулаев маърузасиде илгари дастлабки давлатларнинг ташкил тошишини эксплуатациясининг вукудга келиши, маҳсулотник ўзлаштирилиши, жамиятнинг бир-бирига душман синфларга бўлиншиши билан тушунтирилганни, бироқ кўйлаб далил ва ҳужжатлар асосида илк давлатчиликка ўтишининг ўзгача сабаб ва шароитлари маъжудиги аниқланганни айтиб ўтди. Шарқининг дастлабки давлатлари тарихи жамиятнинг куллар ва қулдорларга бўлиншишибон бошлиланмаган, балки ушбу жараённинг муҳим омилларидан бири — мулкий табакаланиши бўлмасдан, синфий қаррама-қаршиликка алоқаси бўлмаган жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатидан бўлиншишидир. Бу ҳол, энг аввало, иктиносидӣ, ҳарбий ва диний омилларга боғлиқ бўлган. Давлатчилик асососи сиёсий институтларнинг шаклланганидан кейингина чуқур ижтимоий табакаланиши жараёни бошлилангани, шунингдек, илк давлатлар тарихи — бу дастлабки босқинчлиши урушлари тарихи билан боғлиқлиги хусусида маърузада бағафса айтиб ўтди.

А. Т. Тўлагановнинг «Ўзбекистон Республикаси давлатининг Конституциявий ҳуқуқий асослари» мавзусидаги маърузада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тарихий аҳамияти, салоҳиятига баҳо берил, конституциянинг асосий принципларидан кейин инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бўрчлари, давлат ва жамият масалалари, қонун устуворлиги принципи кабилар аниқ далиллар билан тушунтириб берилди.

Илмий семинар кун тартибига қўйилган мавзу юзасидан қилинган маърузалар муҳокамасида академик А. Аскаров, т. ф. д. Р. Сулаймонов ва бошқалар қайнаниши. Ҳунозара ва мулоҳазалардан сўнг семинар хуросаси шилаб чиқилди.

Семинар якунисида илмий семинар раши, ЎзР ФА Тарих институти директори ўринбосари, т. ф. д. Д. Зиёева тингланган маърузалар ва муҳокамада иштирокчилар томонидан билдирилган мулоҳазалар бўйича ўз хуросаларини баён этди.

Шу билан академик Яхе Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 10-йигилиши ёз ишини якунлади.

Академик Яхе Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» илмий семинарининг «Ўзбекистонда динлар ва диний багрикенглик: тарих ва ҳозирги замон» мавзусига багишланган нафбатдаги 12-йигилиши 2001 йил 29 марта куни Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университети замидида Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти билан ҳамкорликда ўтказилди. Илмий семинарни Тошкент Ислом университети ректори, профессор Ҳ. С. Ка-роматов кириш сўзи билан очди.

Семинар ишида «Ўзбекистонда диний бағрикенглики мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари» (З. М. Ҳусниддинов); «Ўзбекистонинг қадимиги тарихида диний бағрикенглик мисоллари» (академик Э. В. Ртвеладзе); «Марказий Осиёда православие ва ислом динининг ўзаро муносабатлари» протонерей Николай Рибчинский — Рус православ черкови Тошкент ва Ўрга Осиё епархиясининг котиби). «Ўзбекистонда дининунослик ва исломчиносликни ўрганишининг янги даври» (ф. ф. д. З. М. Исломов) каби маърузалар тичланди.

Маъзур илмий семинарда асосий эътибор Ўзбекистонда диний бағрикенглики мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари, Ўзбекистон тарихида диний бағрикенглик узвийлиги; Ўрга Осиёда православие ва ислом динининг ўзаро муносабатлари ҳамда ойинчаликни ва исломчинослик масалаларига қаратилиди. Семинар давомида ўзбек давлатчилиги 3000 йил давомида мустаҳкам қавқега эга бўлиб юртимида яшаган ва яшатеян барча миллату злат, дин вакиларини ягона бир ўзбек ҳалқига жисп-ластиришига эришганлигига алоҳида ургу берildi.

Маърузалар туғагач, улар юзасидан мунонозарларга ўтилди. Қизғин баҳс-мунонозарлардан сўзи семинар хуносаси ва қарорлари шилаб чиқилди.

Академик Яхҳ Уломов номидаги «Ўзбек ҳалқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Ўзбекистон қадим тарихида Фарғона водийси» мавзусидаги наъбатдаги 13-халқаро ўйнини 2001 йил 15—16 май кунлари Наманган шаҳрида, ЎзР ФА Тарих ва археология институти Наманган Давлат университети билан ҳамкорликда бўйлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон тарихчилари жамияти, Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган етакчи тарихчи олимлар, оммавий ахборот вободатларидан мутасаддилар қатнашидилар.

